



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 9-noyabr • №45 (4184)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига

ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН ТИМСОЛИ

Бу кенг жаҳонда турфа халқ, турфа элатларни ўзида жам этиб турган давлатлар кўп ва, табиийки, уларнинг ички ва ташқи муносабатларини бир маромда юргизувчи қонуни қондалар ҳам бисёр. Ҳаётдаги турли-туман эҳтиёж, заруратлар боис яратилган, таъбир жоиз бўлса, бошқа ҳужжатларга нисбатан устуворлик касб этган бу қонуналар ҳоҳиятан хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян мақсадларга хизмат қилади. Бироқ улар ичида шундай мўътабар ҳужжат борки, у ҳамма қонунларнинг мазмун-моҳиятини мужассам этиб, давлат ва халқ манфаатларини, бир сўз билан айтганда, мамлакат келажагини ўзида акс эттиради. Бу мутахассислар тилида Асосий Қонун сифатида эътироф этиладиган ва ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, суверенитети тимсоли ҳисобланган конституциядир.

Не бахти, тенглар ичра тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган Ўзбекистонимиз ҳам ана шундай муҳим ва асосий ҳужжатга, яъни ўз Конституциясига эга. Кўнгли эзгуликка йўрилган ҳар бир инсон бу ёруғ дунёда бахтли, фаровон умргузаронлик қилишни хоҳлайди. Бу хоҳиш-истакнинг амалга ошиши кўп жиҳатдан унинг қиндик қони тўқилган она замин, яъни Ватанининг эркин ва ободлигига, қолаверса, куч-қудрати ва салоҳиятига ҳам боғлиқ, албатта. Зотан, эркин ва обод юрtdагина инсон ўзини хотиржам, бинобарин, бахтли сезган ҳолда ўтаётган ҳар бир кундан, тақдиридан мамнулик ҳиссини туйиб

эртанги кунга катта ишонч билан боқадди ва ана шу ишончдан куч олиб яратувчанлик руҳи билан яшайди.

Асосий Қонунимизда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқий мейёрлар халқимизга эркин, бахтли ва фаровон, ўз юртига ўзи эга бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда ҳалол меҳнат қилиш ва яратиш ишқи билан яшаш имконини бермоқда. Шу маънода, бу йил 20 йиллиги кенг нишонланаётган, теран тарихий илдишларимиз, кўп асрлик таъриба ва маънавий қадриятларимиз, аждодларимизнинг ҳуқуқий мероси, халқимизнинг орзу ва интилишлари чуқур сингдирилган Конституцияимизнинг ҳаётий не-

гизи жуда мустаҳкам. Биз бу жиҳатларни олижаноб мақсад-муддаолар билан файзиёб этилган ҳар бир модда ва бандлар мазмун-моҳияти, таъриф-таъсифида кузатишимиз мумкин.

Бош Қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига доир махсус бобнинг мавжудлиги давлатимизнинг бу борада аниқ принципиал сиёсатга эга эканини кўрсатади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, инсонни эъзозлаш халқимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Бунинг тасдиғини тарихимизда, ҳаётимизда, мумтоз адабиётимизда кўплаб мисоллар орқали яққол кўриш, кузатиш мумкин. Хусусан, шавкатли бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг «Миллатнинг дардида дармон бўлингиз» деган чуқур инсоний ғоя билан суғорилган тузуқлари инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўйиш, тинч-осойишта ҳаётни асраш ва мустаҳкамлаш йўлида ўзини аямасдан хизмат қилиш элимининг энг буюк қадриятларидан эканини намоён этади. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий эса инсонни олам гултожи деб улуғлаб, ўзининг бетакрор асарлари руҳига қадр-қимматини ўрнига қўйиш лозимлиги ҳақида теран ҳаётий фалсафани сингдирган.

Давоми иккинчи саҳифада.



Муқимжон Қодиров (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида маънавий-маърифий тадбирлар, адабий учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

рик насрий асарлари, яқинда чоп этилган "Улуғ аждодлардан мероси шижоат", "Замондошим портрети-га чизгилар" номли китобларига жамланган, мардлик ва ватанпарварлик руҳи билан суғорилган асарларига тўхталиб ўтди.

Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов ижодкорлар билан мулоқот чоғида бундай учрашувлар халқимизнинг қайфиятини кўтариб, янги бунёдкорлик ишларига руҳлантиришини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон халқ

Андижон вилоятида бўлиб ўтган Адабиёт кунлари ҳам юртдошларимизга байрамона қайфият бағишлади. Бўз туманидан бошланган ижодий учрашувлар Шахрихон ва Асака туманларида давом этди. Учрашув қатнашчилари Бош қонунимиз томонидан кафолатланган ижодий эркинлик, ижодкорлар учун яратилган бекиёс имкониятлар, ёзувчининг жамият ва китобхон олдидидаги масъулияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни ҳақида сўзла-

АНДИЖОНДА АДАБИЁТ КУНЛАРИ

шоирлари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Тўлан Низом, танқили адиб Эркин Самандар, шоира Турсунои Содикова, адабиётшуно олим

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўнақарида

дидлар. Ижодкорлар Андижон шаҳри, вилоят туман ва қишлоқларида барпо этилган янги бунёдкорлик қурилишлари маънаси ақиндан танишдилар. Адабий тадбирлар доирасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Муҳаммад Алининг ижодий кечаси бўлиб ўтди.

Бобур номидаги вилоят театрида Муҳаммад Али ижодига бағишланган адабий кечани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов очиб, адибнинг ўзбек адабиёти равнақи йўлидаги хизматлари таъкидлади. Ижодкорнинг теран шеърляти, "Машраб", "Гумбаздаги нур", "Ошиқлар эртаги" каби достонлари, "Боқий дунё" шеърлий романи, "Сарбадорлар", "Улуғ салтанат" каби тарихий мавзудаги йи-

Аҳмадбек Алимбеков, кўргонтепалик фермер Алижон Аҳмедов ва бошқалар Муҳаммад Алининг ибратли ҳаёт ва ижод йўли ҳақида сўзладилар. Ёш ижодкорлар Садокат Нейматова, Феруза Юнусалиева, Мафтуна Иброҳимова ўзбек ва рус тилларида шоир шеърларидан намуналар ўқидилар.

Туманларда бўлиб ўтган учрашувлар ва самимий мулоқотларда танқили ижодкорлар Энаҳон Сиддиқова, Мунаввара Усмонова, Хумоюн, Жамолиддин Муслим, Замира Рўзиева, Бегийим Холбекова ўзларининг Ватан ва озошлик руҳидаги янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Хуришда ҚУЧҚОРОВА, Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими раҳбари

Борис БОБОЕВ

Маданият ва спорт ишлари вазирлигида

тир. Халқаро конкурслар ва фестивалларда иштирок этаётган юртимиз вакиллари сафи тобора кенгаймоқда.

Шу билан бирга, халқаро ҳамда мамлакат кўламидаги спорт мусобақалари, ўкув-машқ беллашувлари юқори савияда ташкил этилмоқда. Вазирнинг спорт ишлари бўйича биринчи ўринбосари Ж. Акрамов шу хусусда сўз юритаркан, ўтган тўққиз ой мобайнида мамлакатимиз спортчилари икки юздан ортиқ халқаро беллашувларда иштирок этганини таъкидлади. Улар 182 олтин, 164 кумуш ва 177 бронза медаллари, жами 523 юксак мукофотлар соҳиби бўлишди. Лондондаги Олимпия ва Паролимпия ўйинларида Ўзбекистоннинг 58 вакили спортнинг 15 тури бўйича мусобақаларда иштирок этди. Улар олимпиаданинг бир олтин ва учта

бронза медалларини, паролимпиаданинг эса битта кумуш медалини кўлга киритишди. Етакчи спортчиларимиз мазкур галабалар учун ҳукуматимиз томонидан тақдирландилар, барча медалларнинг соҳиблари ва уларнинг устоз-тре-

нерлари фахрий унвон ҳамда пул мукофотларига сазовор бўлишди. Ҳозир 2016 йили Бразилияда ўтадиган навбатдаги олимпиада ўйинларига ўзбек спортчиларини тайёрлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилмоқда, бунда Лондон олимпиадаси ўйинларидан кўра ҳам муваффақиятлор иштирок этиш чора-тадбирлари кўзда тутилди.

Вазирлик ҳайъати йиғилишида туризм ҳамда сайёҳлик хизмати турларини кенгайтириш, маданият муассасаларини интернет тармоқлари ва веб-сайтлар билан режали равишда таъминлашга доир, шунингдек, бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида барча соҳалар қатори маданият ва спорт ишлари тизимида ҳам яхши натижаларга эришилди. Маданият ва спорт ишлари вазир Т.Қўзиев ҳайъат йиғилишини очар экан, Вазирлар Маҳкамасининг 19 октябрда бўлиб ўтган мажлисида қайд этилганидек, мамлакатни модернизацациялаш ва ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган режаларнинг изчиллик билан амалга оширилаётгани туфайли макрокўрсаткич барқарорликка, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда юқори суръатларга эришилганини таъкидлади.

Айни чоғда, бугунги асосий эътибор мавжуд камчиликларни барта-раф этишга қаратилмоғи зарур. Маданият, санъат ва жисмоний тарбия соҳасини барча чоралар билан ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадрият ва аъёналар руҳида тарбиялаш бош вазирадир. Бу йўналишдаги ислохотларни чуқурлаштириш учун театр ва мусиқа санъатининг, маданият уйлари ва клублари, спорт иншоотларининг барча имкониятларидан тўқис фойдаланиш тақозо этилади. Уларнинг янада самарали фаолияти олиб бориб, аҳолига юқори савияли хизмат кўрсатишини таъминлаш керак. Шу жиҳатдан йилнинг ўтган тўққиз ойи натижалари томошабинларнинг

театрларга тушиши кўпайганини кўрсатмоқда. Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Фотиҳ Жалолов ўз сўзида ўтган даврда томошабинларга жами 6400 спектакл, шундан 1220 таси қишлоқ жойларида кўрсатилганини таъкидлади. Катта байрамлар, муҳим тадбирлар жараёнида кўплаб концерт дастурлари намоён этилди.

Ҳукумат дастурларига биноан музейлар, маданият ва истироҳат боғлари, кутубхоналар фаолияти муттасил яхшиланиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Бунинг учун давлатимиз томонидан катта маблағлар ажратилмоқда. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятларнинг барча маданият ва

Шодия ТҶХТАЕВА:

"КЕЧИНМАГА БОЙ РОЛЛАРНИ ЯХШИ КЎРАМАН"



Учрашув

Азиз газетхон!

Севила газетангиз —

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2013 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг алоқа бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.

Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

Ўзбекистон халқ шоири Хусниддин Шариповнинг серқирра ижоди, шеър ва достонлари шеърят муҳлисарига яхши таниш. Унинг сўз танлашдаги маҳорати, ҳаётий мавзуларни жонли ифодалашга доир изланишлари ёш ижодкорларга сабоқ бўла олади. Шоирнинг кўплаб асарлари хорижий тилларга таржима қилинган. Шеър ва газаллари асосида турли жанрдаги мусиқий асарлар яратилган.

Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида Хусниддин Шарипов ижодига бағишланган адабий кечада шу ҳақида сўз борди. Университет проректори Баҳодир Хусанов, шоир Зиёвуддин Мансур, адабиётшуно олимлар Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Баҳодир Карим, Абдулла Улуғов, тадқиқотчи Дилдора Баҳриддинова шоирнинг дostonнавислик маҳорати, лирик қаҳрамон муаммоси, "Бир савол" романида диалогнинг ўрни мавзуда сўзладилар. Шоир шеърларининг

мусиқийлиги ва мазмунан теранлиги, жанрлар ранг-баранглиги, шаклан мукамаллиги, ёшлар тарбиясидаги аҳамияти таъкидланди. Талаба шоир шеърларидан намуналар ўқиди.

Хусниддин Шарипов ижодий кечада кўп йиллик ҳаёт йўлидаги ибратли воқеалар ҳақида сўзлаб, талаба ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берди ва кўнглидаги эзгу туйғуларини шундай изҳор этди:

— Салкам олтимиз йилдан буён ижод қилиб келаётган бўлсам-да, Ватанимиз озошликка эришган замондагина улуг мартабага сазовор бўлдим. Президентимиз Фармонига биноан "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвони билан тақдирланганим, ижодимнинг бу қадар юксак қадрланиши қалбимга катта кувонч бахш этиб, ҳаётга теран ниғоҳ билан боқишга, эзгу ишларга ундамоқда. Зеро, инсон учун ўз меҳнати самарасини кўришдан ортиқ бахт йўқ.

Ўз муҳбиримиз.

ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН ТИМСОЛИ

Бошланиш биринчи саҳифада.

Инсон — яхши сўз ошувчиси. Инсонни олижаноб мақсадлар сари илҳомлантириш, ёруғ хаёллар сари бошлаш, эзгуликка даъват этишда сўзнинг аҳамияти беқиёс. Сир эмас, яқин ўтмишимизда маънавий меросимиз дурдоналари ҳақида сўзлаш, ёзиш, тарғиб-ташвиқ қилиш тақиқланган эди. Бош Қомусимизда энг олий мезон сифатида ўз ифодасини топган ҳаётбахш гоғлар миллий ўзлигимизни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклашга хизмат қилиш баробарида ижод аҳлига миллий тафаккурни юксалтириш имконини ҳам берди. Бинобарин, Конституцияимизнинг 49-моддаси Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга даъват этади. Мамлакатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан, маданият ва санъат соҳалари бўйича етакчи ташкилоти ЮНЕСКО билан ўрнатган мустақам ҳамкорлиги мисолида ҳам ижодкорлар учун янги илҳом манбалари очилди. Зотан, биз жаҳон тамаддунига ўзининг бой тафаккури ва юксак маънавияти билан улкан ҳисса қўшган, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюқ аждодларимиз билан ҳақиқ равишда фахрланамиз. Уларнинг маданий-маънавий, илмий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва янада бойитиш келгуси авлодлар олдидаги бурчимиздир. Айни пайтда дунё илм-фани ривож-

мул ўзгаришлар юз берди. Ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси ортиб бораётган юртдошларимиз кўнгилда шукрона, эртанги кунга, келажакка қатъий ишонч билан қарамоқда. Бу уйғунлик пировадида, ризқи бутунлик, толеи бандлик сингари эзгу тушунчаларнинг ҳаётда ўз ифодасини топишига замин яратмоқда. Бунинг натижасида кўлга киритаётган ютуқларимиз мустақамлиб, халқимиз фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам шунга монанд юксалиб бормоқда. Бу жараёнда биз танлаган йўл — бугун халқроқ ҳамжамият томонидан тан олинган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида эришаётган барча муваффақиятларимиз, ҳаётимизга янги мазмун бағишланган ислохотлар Конституцияимиз қондаларига тўла мослиги айниқса, эътиборлидир.

Пойдевори мустақам иморат йиллар силсиласига бардошли, умрбоқий бўлади. Халқимиз зақоси ва тафаккурининг маҳсули бўлган Бош Қомусимиз ҳам мамлакатимизнинг мустақам ҳуқуқий пойдеворини сифатида биз интилайтган демократик ҳуқуқий давлат, кучли қаролик жамиятнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Шу нуқта назардан, Конституцияимизни ўрганиш, мазмун-моҳиятини чуқур англаш, келажакда буюқ давлатнинг фуқароси сифатида унга қатъий риоя этиш, қолаверса, асарларимизда тараннум этиш ҳар бир ижодкорнинг жамият олдидаги муқаддас бурчидир.

Сирожиiddин РАУФ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюмиси аъзоси

Муҳаммадҷон ака деган ёши улуг бир қариндошимиз бўларди. Аммо ҳеч ким уни ўз исми билан атамас, каттаю кичик «тоға» деб муносабат қиларди. Юз-қўзларидан ҳаминша самимият уфуриб турадиган Муҳаммадҷон тоға эринмасдан шаҳар ташқарисидаги ҳовлисидан иккита патир, баргаку ёнғоқларни қийинчасига тугиб, ҳали у қариндошимизникига, ҳали бу қариндошимизникига бориб-келиб юрарди.

У ҳаммани танирди. «Э, фалончимиз? У пистончи отанинг невараси-ку?» дер, ё бўлмаса, «Фалончихон пистончининг келини эди. Ҳозир уч ўғли, бир қизи бор» дерди. Ҳаммадан, ҳамманинг иссиқ-совуғидан ҳаминша хабардор эди. Ким кимнинг невараси, ота-онаси ким, тоғаси, аммаси, фарзандлари, куда-андаларигача билар, кексайиб қолган бўлса-да, хотираси кучли, сира адашмасди. Биз эса, уни ҳазилашиб «Энциклопедия тоға» дердик. Ҳақиқатан

«Йили», «Аёллар йили», «Оила йили»... мана энди, «Мустақам оила йили»нинг барқарорлиги барчамизни бирдек қувонтиради. Бу жараёнда нафақат кексалар, нафақат аёллар, нафақат оилалар, балки халқимизнинг минг йиллик анъаналари, урф-одатлари, удувлари ҳам ўзига ҳос тарзда сақланиб боради. Шунинг ўзи ибрат!

Баъзан давраларда ё йилларда дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида «маҳалла» деган нарса йўқ эканлиги тилга оли-

АВЛОДЛАР КЎПРИГИ

ҳам у авлод-аждодларимизнинг «тирик қомусига» ўхшаб кетарди.

Вақти-соати этиб, отахон ёшини яшаб, ошини ошиб ҳаётдан кўз юмди-ю, қариндош-уруғлар анчайин паршон тортиб қолди. Кўп ўтмай, унинг ўрни севазилди, тугунчасини кўтариб эшиқдан кириб келишларини соғина бошладик. Шундагина тоға қариндошлар ўртасида «кўприк» бўлиб қолганини ички бир туйғу билан ҳис қилдик.

Илми нуҷум билан шугулландиган олимларнинг айтишича, фалақда юлдузларнинг сўниши, яъни кўк юзида учиши табиий ҳолат бўлиб, энг қизиғи, ўша юксак-юксакларда порлаган юлдузларнинг айримлари сўнгандан кейин ҳам юз йиллар оша ўзидан шуъла таратиб тураркан. Таъбир жоиз бўлса, Муҳаммадҷон тоғани ўша юлдузлардан бирига қийслагим келади. Албатта, у ҳаётда катта ишлар қилмагандир, лекин қариндош-уруғлар, оилалар ўртасидаги яқинлиқни таъминлашга, меҳр-оқибат ришталари мустақамлаштиришга оми-қўлни ҳисса қўшди. Бизни ҳам шунга ундади.

Бундай ўйлаб қаралса, маҳалла ҳам катта бир оилага ўхшаб кетаркан. Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ўзаро меҳр-оқибат, кишиларнинг яхши-ёмон қўнларидан суянчиқ бўлиш, байрамлар, тўй-маъракалар, ҳамма-ҳаммаси энг аввало ана шу «улкан оила»да акс этишига ҳар кун, ҳар соатда ғувоҳ бўламиз.

Пойтахтимиздаги файзли маҳаллалардан бирига, бир оила устунлари — нуруний отахон ва нунос онахоннинг «олтин тўйин»га чет эллик меҳмонлар кириб келишгани эсимда. Ушанда, дунё кўрган хорижлик хоним ва жаноблар бу чиройли тўйни, тўкин дастурхонларни, хизматга шай турган ёш-яланларни, тадбир риоладигидек ўтишига бош-қош бўлиб турган маҳалла оқсоқолларию фуқаролар кенгаши фаолларини кўриб ҳайратга тушган эдилар.

Ҳудди ана шундай ҳамжихатлик оилаларимизда ҳам кўзга ташланиши бор гап. Ҳавас қилгулки оилаларимиз жуда кўп. Уларда тарбияланган йигит-қизларнинг одоб-ахлоқи эса ҳаммани қувонтиради.

Маҳалламизда саксон ёшни қоралаб қолган онахон беш ўғли, беш келини ва бир этак неваралари билан бир ҳовлида аҳил-инок яшаар, кампирин орқаворатдан ҳазил аралаш «Фармонбиби» дейишарди. У «Келинлар кўзголини» комедиясидегидек ўз ҳукмининг ўтказадиган қаттиққўл аёл бўлмаса-да, ўғилларию келинлари чизган чизгидан чиқимасди.

Ҳўш, бу хонадоннинг тинч-тотувлиги



Фарзанд — хонадон гавҳари.

сабаб нима? Онахонда қандайдир хислату фазилатлар борки, ўғиллари ва келинларининг бошини бир жойга қовуштириб ўтирибди. Ахир, ҳаётда келини билан чиқшолмай ёлғиз ўғлини алоҳида чиқариб қўйганлар ҳам учраб туради.

Бир гал нимадир бўлиб ўша ҳовлига кирсам, димоғимга муаттар хидлар ифори урилди. Аввал эътибор бермаган экан-

Оила — эл-юрт таянчи

ман-да, чор-атрофда райхону турфа гуллар буй чўзиб, ажиб манзара касб этган. Шу тоғда гулзор оралаб юрган онахонга кўзим тушди. У ҳар бир ниҳолга меҳр билан термиларди. Демак, ёши бир жойга бориб қолганига қарамакдан, уларни ўзи парваришлайди. Бундан чиқди, фарзандларини ҳам ёшлигидан гул каби авайлаб тарбиялаган, уларнинг қалбига меҳр-муҳаббат уруғларини қадаган.

Маҳалланинг ана шу «Фармонбиби»си вафот этгач, кўпчилик «Ўғиллари келинлар энди алоҳида-алоҳида бўлиб, қозон-товонини бўлак қилиб, қиқиб кетишса керак» деб ўйлаганди. Йўқ, бундай бўлмади. Беш оила, беш ўғил, беш келин ва неваралар ҳаминшадек аҳил-инок умргузаронлик қилавертиди.

Маълумки, оила жаҳон адабиёти ва санъатининг умрбоқий мавзуларидан бири ҳисобланади. Узоққа бормайлик, ўзимизнинг «Кунтуғмиш», «Ўткан қўнлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз», «Майсаранинг иш», «Чинор», «Келинлар кўзголини», «Маҳаллада дув-дув гап», «Қанот жуфт бўлади», «Сен етим эмассан», «Имон», «Суюнчи», «Дунёнинг ишлари», «Лафа» сингари роман, қисса, филм спектаклларимизда ҳам ўзбек оилаларининг ҳаёти, халқимиз маънавияти, миллий урф-одатларимиз ўз ифодасини топган.

Зеро, миллатнинг ўзига ҳос маънавиятини ўзида шакллантирадиган, юксалтирадиган, миллий қадриятларни ўзида намоён этиб, одамлар орасида меҳр-оқибатни қарор топтирадиган оила мавзуи сира эскирмайдиган. У ҳаминша янгилиниб, янги-янги қирраларини кашф этиб бораверади.

Шу маънода, оилани турши-турмушимизнинг «таянч нуқтаси» дейиш мумкин. Оилани, унинг боқий қадриятларини улуғлаб юртимизда «Эл-юрт таянчи» деган муаззам ёдрорлик барпо этилгани ҳам шундан.

Шунинг ўзиёқ, бу мавзу адабиёт ва санъат аҳли олдида янги-янги вазифалар ҳамда масъулият уюлайди. Яъни, биз ўз асарларимизда, филм ва спектаклларимизда оилаларнинг ҳаётдаги ўрнини, қудратини ақс эттирмоғимиз керак. Оила нафақат адабиёт ва санъат, балки барча ижтимоий фанлар, педагогика, иқтисод, ҳуқуқшунослик, элшунослик, тиббиёт, этика, этнография, ахлоқшунослик сингари жуда кўплаб фанлардаги изланишларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Бошқачароқ айтганда, жамиятнинг ана шу жаҳонига бўлагиде Олам ва Одам, Ҳаёт ва Воқелик ўз ифодасини топади. Оила ана шундай чексиз-чексарасиз мавзу.

Вақт югури. Ҳадемай «2012 йил — Мустақам оила йили» ҳам тарихга айланади. Лекин, у аслида тугамайди. Кун тартибда тураверади. Буларнинг барчаси ана шу ниҳоятда муҳим ва устувор йўналишнинг умрбоқий эканидан бариқ беради.

Эркин УСМОНОВ

«ОНАЖОНИМ — ШЕЪРИЯТ» САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси қошидаги ёш ижодкорларнинг «Онажоним шеърият» тугараги машғулотлари доирасида вилоятларга ижодий сафарлар уюштириш, таниқли шоир ва ёзувчилар билан ижодий мулоқотлар ташкил қилиш, ёшларнинг илк китоблари тақдимотлари ва янги асарлар кўлемаси муҳокамаларини ўтказиш кўзда тутилган. Тугарак машғулотлари қизғин давом этаётир.

Навбатдаги машғулотда ёш ижодкорлар таниқли шоир Эшқобил Шукур билан учрашдилар. Шоир ҳозирги адабий жараёндаги ангилликлар, сўз ва ижод сирлари, адабиётнинг ўлмас мавзулари ҳамда ёш истеъодларга кўрсатилган гамхўрлик ҳусусида сўзлади. Ёшларнинг ижодий шаклланишида устозлар мактаби, мумтоз ва замонавий адабиётнинг юксак намуналари мутолааси, ижодий туртки ва таъсирланишнинг аҳамияти муҳимлигини таъкидлади.

Ёш ижодкорлар ўзларининг янги шеърларидан ўқидилар.

Наргиза ЮНУСОВА,
ЎЗМУ талабаси

Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган дўстлик байрами ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ҳусусан, Навоий вилоятида Корея Республикаси иштирокида интермодал

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

логистика марказининг ишга туширилиши туфайли дунёнинг турли мамлакатларидан юлклари қабул қилиш ва уларга етказиб бериш имкониятлари кенгайди. Шунингдек, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг барпо этилиши, бу ерда корейлик ҳамкорлар иштирокида кўплаб қўшма корхоналарнинг ташкил қилиниши экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ўзаро иқтисодий ҳамкорлиқни мустақамлашга хизмат қилаётир.

— Бугун мамлакатимизда 250 миңдан зиёд корейс миллати вакилларининг истиқомат қилаётгани, шу заминда ўсиб-ўлғайиб, билим олиб, касб эгаллаб, юқори марраларга эришаётгани барчамизни қувонтиради, — дейди Республика байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев. — Мамлакатимизда фаолият юритаётган ўттиздан зиёд корейс миллий маданият марказлари ушбу миллат анъаналарини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Байрам тадбирида корейс куй-қўшиқ ва рақслари намоиши этилди.

ЎЗА

Ҳар кун эрта тонгда бўсага ҳатлаб ишга борарканман, пешиндан сўнг яна уйимни соғина бошлайман. Ҳар гал Нукусдан бошқа жойга сафарга чиқсам, шаҳардан узоқлашим биланоқ Нукус ўзгариб кетгандек туюлади ҳаёлимда! Имконим бўлса, қанот боғлаб юртимга учгудекман. Кўзга кўринмайдиган бир куч мени ўз гўшамга тортаверади. Ўз уйим — ўлан тўшагим, деб беғиз айтмас экан-да. Агар Тошкентдан қароғадир учиб кетсам... Ў-ў, нимасини айтасиз!

Бутун Ўзбекистонимни соғиниб яшайман. Майли, диёримдан олисдаги ҳижрон онлари беш кунми, майли, беш соатми, балки, беш дақиқадир... Барибир қалбимни Ватан соғинчи уртайверарди. Шу ҳақда ўйласам, Озод исмли овулдошимнинг тўрт-беш йил аввал айтган ҳикояси эсимга тушади.

— Литвада ҳарбий хизмат қилгандим, — деган эди у. — Тақдир тақозоси билан ўша ерлик қизга уйландим ва Вильнюсда узоқ йиллар қолиб кетдим. Икки фарзандим бўлди. Хотинимни қаттиқ севадим. Лекин ўзим билан юртимга олиб кетишга кўндари олмадим. Балки уни қўндиришга қатъий қарор қилмагандирман. Ёшлик-да! Бир кун ҳамкасб ўртоқларимдан бири кафедра тугилган кунини нишонлади. Қийфат авжига чикди.

— Ким битта шўх ашула айтиб берса, мана бу шампан виноси совга қилинади! — деб эълон қилди даврабоши ишанин бандлага кўтариб. Лекин ҳеч ким чўрқ этади. У эълонни уч бора такрорлади. Менга-ку шампан виносининг қизғи йўқ эди. Умуман ичмасдим. Ҳозир ҳам ичмайман. Лекин эълон яна бир бор такрорлангандан сўнг хотиним доим ошхонада хиргойи қилиб юрадиган литовча термини қуйлаб юбордим. Ҳеч ким мендан бунни кутмаган бўлса керак,

оғизлари ланг очилиб қолди. Қўшиқ тамом бўлгач, бир қути шампан виносини ёнимга келтириб қуйишди. Кейин ҳамма мени олқишлади. Бошқа бир миллат вакили ўз тилингдаги ашулани айтиб турса, ким бўлса ҳам севинади-да, ахир. Уларнинг хурсандчилиги чеки йўқ, мени ерга туширмай иргитишарди. Мен эса овозимни чиқармай йўллардим. «Буларни қара, ўз ватанларида туриб ватан ишқига тўймапти. Мен-чи? Тиб нима қилиб юрибман ўзга юртларда! Ахир, мушук ҳам обориб ташлаган жойиндан яна уйга қайтиб келади-ку! Мени ким обкелиб ташлади? Ўзим?! Ҳаммасига ўзим айбдорман!»

Шу вақтнинг ўзидаёқ она диёримга қайтишга қарор қилдим. Менинг қатъий қароримга турмуш ўртоғим ва унинг оиласидагилар ҳам қаршилик қила олмади. Илгарроқ шундай қилсам бўларкан...

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бир гуруҳ нўғой қўшиқчилари Нукусга гастролга келишганди. Шунда Доғистон халқ артисти Асият Қумратова шундай деганди:

— Фамилиям нима учун Қумратова эканини биласизми? Қумрат менинг отамнинг исми эмас. У менинг уруғим. Асли Кўнғирот қизиман. Ҳеч

тонна сода ишлаб чиқарса, (шу пайтларидан олдиндан қўтилган режа шунақа эди) хомашё захираси қачон тугайди? 228 йил, 6 ой, йўқ, 2286 йил... янгилишим, 22866 йил... Кейин улардан чиққан чикиндилар билан 400 йил, йўғ-эй, ундан ҳам кўпроқ, қуллас, туз конининг захираси йигирма биринчи асрдан бошланиб то эллигинчи асрга қадар адо бўлмас экан...

Буюқ Ипак йўлини тиклаш ишлари ҳам ўша пайтда бошланаётганди. Бутун жаҳон бўйича юк ташиш тезлиги поезда атиги соатига 5 километрни таш-

гайд эркинлиги фаровонликка эришаркан. Мана мен шун неъматлардан баҳрамандман! Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига бино-

Ватан учун яшайлик!

ан «Дўстлик» ордени (1999 й.) билан мукофотландим. Бу йил мустақилгимизнинг 21 йиллиги арафасида «Қорақалпоғистон Республикаси халқ ёзувчиси» фахрий унвони билан тақдирландим. Мен нимага эришган бўлсам, ҳаммаси мустақиллик даврида насб этди.

Ҳар сафар Тошкент аэропортидан тушиб таксига ўтирсам: — Қорақалпоқимиз? — деб сурайдим ҳайдовчилар. — Ҳа! — дея жавоб берарман. — Сизларда бир филм бор-ку, «Танка» деган, шу филмни телевизорда неча марта кўрсатган бўлса, шунча марта кўрганман...

Ич-ичимдан ўша филм муаллифи бўлганимдан гурурланаман. Бу филм ҳам мустақиллик даврида яратилган. Ундан кейин яна олтита бадиий филм сурутта олинган ва йигирмадан ортиқ китобларим ҳам чоп этилган. Ватандан, айниқса, мустақилликдан қарзим қўп! Биласизми, ўз уйимга ҳам мустақиллик даврида эга бўлганман.

Мустақилликка қадар ижарама-ижара қўчиб юрганман. Фақат 1996 йилдагина ўз ховлимга эга бўлдим. 2009 йили — «Қишлоқ тараққиоти ва фаровонлиги йили» муносабати билан «Қишлоқ жойларида турар жой қурилиши» ҳақида Президентимиз

Фармони чиқди. Мен биринчи бўлиб Нукус туманида қурилаган уйга пул қўйдим. Қаранг, мана энди шаҳар мусул дангиллама уй-жойда оиламиз билан яйраб яшаймиз. Атиги 13 млн. сўм тўлаганман. Қолгани 15 йилга имтиёзли кредит. 15 йилга-я! Қайси қариндошинг шунча узоқ мудатга қарз беради. Бунчи ўз келажигига ишонган давлатгина бериши мумкин.

Бундай қувонч, шод-хуррамлик туйғуларини бугун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган минг-минглаб одамлар ўз қалбидан кечирмоқдалар. Ўз келажигига ишонган, ислохотлар самараси оидин истиқболга йўл очётган, бунёдкорликни шараф деб билган давлатгина ўз халқининг чинаяк бахтини таъминлашга қодир. Биз ҳурриятимиз, мустақиллигимиз боис шундай обод ва фаровон кишлоқларни барпо этаётган юрда яшаётганимиз билан фахрланамиз.

Шундай дамларда беихтиёр кўнглимдан Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуфнинг Ватан соғинчи мавзусидаги қуйидаги сатрлари ўтади:

Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам,
Булбуллари тинглаб боққа кўрмасам,
Чинорларни соясизда чой ичиб,
Дўстлар билан сўхбатлашиб юрмасам, —
Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам.

Нукусдан мен сизни қўмсаб келмасам,
Келиб, тапши саломларни бермасам,
Дўстлар билан эртанги кун ишқиде
Мустақиллик майдонда юрмасам, —
Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам.

Муратбой НИЗООНОВ,
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

СОҒИНАМАН КЎРМАСАМ

белгиланди. Ушанда республика раҳбарлари билан Устюртга боргандим. Сода заводининг хомашёси бўлиши «Борса келмас» қони тепасидан АН-2 самолётида учиб ўтди. Роппа-росса ярим соат вақт керак бўлди коннинг у чекасидан бу чеккасига қадар этиб боргунча.

— Қанча тезлик билан учдингиз? — деб сўрадим учувчидан.

— Соатига 180 километр.

— Демак, туз конининг эни 90 км. эканда!

Мен дарров ўша қўл ҳақидаги маълумотни қўлимга олдим. Умумий ўлчамини 1100 кв.км, коннинг чуқурлиги 64-66 метрга тенг, «Шайтон қалъа» оролида эса чуқурлик 85-110 метрга етади. Коннинг 95 фоизи ош тузи. Тузининг умумий захираси 13 млрд. тоннадан кўпроқ. Кейин ҳисоб-китобга киришиб кетдим. Агарда, завод йилига 570 миң

кил этаркан. Автомобил йўли эса бу тезлик 10 баробар орттиради. Ушанда 240 километрлик Кўнғирот — Бейнов автомобиль йўлини қуриш ҳақидаги режалар менга худди эртақдек туюлганди. Йўл қурилишига бағишланган «Хазина» номили китобимда бу «эртақ» ҳақида батафсил ёзганман. Ҳозир ўша йўлнинг битганига анча бўлди. Ҳатто, Кўнғирот, Қанглиқўл туманларидан ўтиб Ҳўжайли шахрига яқинлашяпти! Ишининг жадаллигини қаранг! Мана буларни мустақилликнинг шарофати, деса бўлади. Одам юрса оёғи, қўш урса қаноти кудяндан чўлдан трасса ўтса, «Борса келмайди» оролдан экскаваторлар туз қовласа... Бу ишлар кимнинг ҳам хаёлига келибди дейсиз!

Тарихда ёзилишича, қорақалпоқлар халқ сифатида шакллангандан кейин уч маротаба ўз давлатчилигига эга бўлган экан. Лекин ҳеч қачон ҳозир-

Бугунги ижодкор ёшлар жаҳон адабиёти, хусусан, шеърини тиражироватишдан қўлга олишди. Хижжалаб ўқитилганимиз — Аполлинер, Эллиот, Лорка ва бошқа хорижий машҳур шoirларни тилимиздан бол томиб эслаймиз. Албатта, уларнинг тажрибаларини ўрганиш фойдадан холи эмас. Аммо баъзи Фарб шoirларига кўр-кўрона тақлид қилувчилар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, XX аср ўзбек шеърини, жаҳон адабиёти мезонларидан туриб қараганда ҳам, жуда катта поэзия, дунё лирикасининг дурдоналари билан тенг асарлар унда кўллаб топилди.

айниқса, ижодкор қалбнинг барча тўқилган ҳақиқатлардан-да юксак ўз Сўзи бор. Шoir хали ўзи ҳам билмаган ана шу сўз ортидан умрбод эргашиди, унга талпинди. Бироқ Рауф Парфининг ўзи тан олиб айтганидек, "Биз аслида сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган нарсани сўзга айлантирмоқчи бўламиз. Барибир, у Сўзини топмаймиз, биз фақат ўралашамиз".

Шoirнинг поэтик имкониятлари кенглиги, ҳолат-кечингани товушлар бағрига сингдири олиши "Емгир ёғар...", "Ташқарида шовуллар шамол...", сингари шеърларида яққол кўринади. Ушбу шеърларда товушлар товланишлари ("Ф", "ш") ажиб поэтик кайфият ҳосил этади. Аммо Рауф Парфи ижодиётида мақсад сўз, санъатга ўхшаса-да ("санъат — санъат учун") тамоийлини ёдга олайлик, давр, замон, инсоният тақдири ҳеч қачон бу идеал соясидида қолиб кетмайди.

Рауф Парфи ижодида метафора-шеърлар кўп учрайди. Шoir ижодининг ушбу хос белгисини Асқад Мухтор шундай эътироф этганди: "Рауф Парфи поэзияда мураккаб ва динамик метафоралар усулани таллади. Унда айрим образларгина эмас, балки бутун шеър метафора ҳақиқатида қўрилади, метафора поэтик тилга, образ мантиқига, шеърини тафаккур бойлиғига айланади".

Бироқ метафора шеърни сунъийлаштириш, сўз ясаф аэвазига бўлмаслиги керак. Буни унутган шoir шеър оламида шунчаки маъхумот билан "бойиштири", ҳосил. Баъзан сунъий метафора мантиқсизликка олиб келиши мумкин. Шу маънода, Рауф Парфининг айрим ноқуйма тизмаларида меъёр бўзилганини ҳам қайди этиб ўтиш жоиз.

Шoirнинг "Сув остида ялтиради тош..." деб бошланувчи шеари тўлиқича метафоралар асосига қўрилган бўлиб, асоциатив тафаккур маҳсулидир. Шеърда ҳаёли тошларга ўйнақлаб юрган охуларга менгазалади. Табиат тасвири ҳаммаша ҳайрат, сурур, лирик кайфият билан бирга катта ижтимоий масалаларга бориб тақалаверади. Хусусан, ушбу шеърда сув остида ялтираб турган тошдан шoir юрагини тушган чўғ ижтимоий муҳит шамолида аналганайди, лирик қарамоннинг япроқдек қалтираб турган нигоҳи ўткирлаша боради. Энди тўқилган устида унинг севирилари, оху зорлари маъхумот. Йомонида аллақандай куч, бесабр қудрат, шаклсиз севирил тўйган лирик қахрамон — шoir ўз-ўзини сўроққа тутди.

Кўзимда кўмларнинг ўйини, Йўлларимда гиж-гиж соқов тош... **Нелар бузди, шoir, ўйининг, Бунча ҳурсанд кўларингда ёш?** Энди кейинги мисралардаги метафоралар "тил"нинг топишга уриниб кўрайлик. **Кўмлар, соқов тошлар, шoir кўлариди милтиллаган ёш, харсанглар, наво...** Уларнинг ҳар бири характерли хусусиятга эга. Кучли шамол турганида кўмларнинг "ўйин"ни кузатганимиз. Ушбу манзара-ҳолатни кўларда тасаввур қилиб кўрайлик. Даврнинг шиддатли шамоли олдиде эса бундай "қум ўйинлари" ҳеч нарсаси эмас...

Хулоса қилиб айтганда, XX аср ўзбек шеърини, ҳақиқатан ҳам, ўрганишимиз, эргаштишимиз лозим бўлган улкан ижодий тажриба ўзиде муҳим эътибор берган катта мактаб бор. Биргина Рауф Парфи шеърини мисоллида бунга гувоҳ бўлиб туришимиз. Асқад Мухторнинг адабий-эстетик қарашлари, хусусан, Рауф Парфи ижоди ҳақидаги мақолалари эса бизга поэзияга қандай ёндашиш кераклиги, унинг энг муҳим ҳолатларини қай тарзда талқин этиш лозимлигини аниқ-тиниқ кўрсатиб беради.

Беҳзод ФАЗЛИДДИН,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти
тадқиқотчиси



Олтин кўз.

адиб шеър таҳлилида шу каби муҳим жиҳатларга диққатни қаратиш лозимлигини уқтиради. Агар бугунги айрим ёшлар шеърларига шу нуқтага назардан ёндашсак, беихтиёр улардаги дардли мисралар салмоғи тош босмаслиги, улар шунчаки хоё ҳавас, ўткинчи ҳислар ўкинчи эканига амин бўламиз. Бу эса бизга устозлар

поэтикасини пухта ўрганиш, улар замиридаги чўнг ҳаётий асосларни теран идрок этишимиз лозимлигини кўрсатади.

Чунончи, Рауф Парфи шеърлари инсоннинг мураккаб табиати, беқарор ўзлигиндан баҳс этади. Теранроқ назар ташланганда, бу шеърларда ўнлаб муаллиф "мен"ни кўриш мумкин. Лекин улар орасида икки "мен" алоҳида ажралиб туради: бири — ўта беозор, ҳалим, кўнглидан, баъзан яшаётганим, мавжуддигим билан малол келмаймакни дегандек, устига устак ўзидан ҳеч қонқмайди, лирик-сентимент; иккинчиси — шиддатли, кескир сўзи, аҳди қатий, этиқодига собит, муросасиз. Шеърини тизмизга ҳассос руҳ, тоза туйғулар тилида сўзловчи тиник дәрди олиб кирган шoir: "Фақат шoirлигига ярашади дәрди", дейди. "Шoirнинг онаси изтироб, ахир", дея кўйиниб сўзлайди:

Йўқ, шoir деб қарама атай, Ҳукм этмакка шойилма бир оз. Мен кўйиниб севаман, нетай? Мен кўйиниб сўзлайман, холос.

Ана шу "куйиниб"нинг даражаси шoir ижодий этиқодини ҳам белгилаб беради. Асқад Мухтор: "Рауф Парфининг кўп шеърлари ўзига ва бошқаларга муросасиз маънавий талабчанлик руҳида ёзилган беомон ва шиддатли айбномалардир", дер экан, шoir ўз илганиларининг баъзи босқичларида интим ҳисларининг ташки олам билан боғлиғини йўқотгани, субъетиве ҳиссидини шеър бўлиши учун бундай боғланиш ришталари жуда муҳим эканини ҳам ўринли қайди этади. Тўғри, шoirнинг айрим шеърлари санъат яратиш учун атай дәрди йўлаб топганга ўхшаш таассурот уйғотади. Унинг бундай "тўқилган дәрди"лардан иборат мавҳум битиклари эса ижодиётга соя ташламайд.

Шoirнинг кўплаб шеърлари чуқур психологизм билан тўйинган, кўпинча сатрлар — мисраларнинг ўзи яхлит шеърга айланади: *Хар нарсани кўрар осмоннинг кўзи; Емгир эмас, марварид ёғар; Баҳор юзларингда барқарор; Ёзилмаган шеър эрур диллим; Сўвга чўккан чўгдек сўзларим...*

Мана бу бандага эътибор қаратайлик:

Аланга чакнайди кўзимда, Ўтлар мени ташлади тилиб. Севги, севги менинг бўғзимда, Калимага келмайди тилим.

Кизиқ, нега лирик қахрамон кўзида аланга чакнайд-ю, тили калимага келмайди? Шеър номини ("Яна ажиб тушлар кўрибман...") эътиборга оладиган бўлсак, ҳаммаси анлашилгандек бўлади. Шoir ажиб тушларини моддийлаштираёттир; бошқа туш шеърда айтганидек, кўздан маъно ўқишимизни истамоқда. Шoir кўплаб шеърларида шу тарзда тафаккурни ички нигоҳга қаратади.

Рауф Парфи ижодида сўз идеал ҳодисига айланади. Шoirнинг эстетик идеали дунёни уйғотувчи, руҳиятни поқловчи сўзидир, дея баҳо берсак, янглишмаган бўламиз, эҳтимол.

Бир сўз бор, Ҳақиқат сўзидан ҳам юксак, Ҳақиқатнинг ўзидан ҳам юксак Бир сўз бор...

Шеър кўп нуқта билан янқиланади — шoir ўша бир сўзни айтмайди. Балки бу сўзни унинг ўзи ҳам билмас. Аммо шуниси аниқки, ҳар бир юрак,

Ақбарали Сабирдинов Ойбек шеърларида мумтоз кофия мавзусига муржаат этган. Шунингдек, ушбу сонда Дилшод Ражабнинг "Турсунбой Адашбевнинг тасвир яратиб маҳорати", Нарзулла Шодиев ва Баҳор Тўраевнинг "Бадиий вақт шакллари ва тиллари" мавзуларидаги мақолалари берилган.

Ёш тадқиқотчилар минбари — "Илмий ахборот" рукни остида мумтоз ва ҳозирги замон адабиёти, фольклор, тадқиқат ва талқин методлари, бадиий асарлар тили ва тилшуносликнинг айрим муаммолари ёритилган бир неча тадқиқот-мақолалар ёритилган. Ф.Олимнинг "Ҳамсат ул-

мутахайирин" да тил ва тасвир", Н.Йўлдошевнинг "Чўлпон шеърларида йўл образи", О.Тожибоевнинг "Фарҳод ва Ширин"нинг бир нарсий баёни ҳақида" сингари тадқиқотлар шулар сирасидандир.

"Бир асар таҳлили" рукнида ёзувчи Эркин Аъзамнинг "Шовқин" романи таҳлилга бағишланган С.Тўлаганова ва С.Курбонов мақолалари, Р.Иброҳимованинг мақолалари, Р.Эриқ Каримов ҳақидаги дил сўзлари, янги насларга доир маълумотлар билан ҳам журналнинг ушбу сониде танишасиз.

ТАРИХИ-АДАБИЙ ЁДГОРЛИК

Кўзон тарихига доир юзлаб асарлар ёзилган. Яқинда ана шундай муҳим манбалардан бири — кўзонлик ўлкашунос олим, таржимон, педагог Пўлатжон Қайюмов(1885—1964)нинг "Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти" асари (Т., "Тамаддун", 2011. Нашрга тайёрловчи: академик А.Қайюмов, масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди О.Жўрабоев) чоп этилди.

Илмий жамоатчилик бу асар ҳақида илк бор атоқли адабиётшунос А.Қайюмовнинг "Кўзон адабий муҳити"(Т., 1961) монографияси орқали хабардор бўлган эди. Эллик йилдан ортиқ вақт давомиде адабиёт ихлосмандлари бу асарни ўқишга орзуманд эдилар. Ниҳоят, академик Азиз Қайюмовнинг меҳнатлари билан бу асар дунё юзини кўрди. Асарнинг ҳар бир "дафтар"и нашрга тайёрловчининг изохлари билан таъминланган.

"Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти", нашрга тайёрловчининг китобига ёзган мухтасар кириш сўзидан маълум бўлишча, муаллифнинг ўз қўли билан уч умумий дафтарга настальки хатида ўзбек тилида ёзилган бўлиб, умумий ҳажми 300 бетдан ортиқдир. Китобда ҳар бир дафтардаги материаллар алоҳида-алоҳида қисмга бўлиб жойлаштирилган.

Кўзон атрофидаги 12 қишлоқнинг тарихига доир материаллар муаллифнинг ўлкашунос сифатида тинимсиз изланганлигини кўрсатади. Асардаги адабий материалларнинг асарияти "Тазкирани Қайюмовий"да ҳам бор. Аммо бу китобда улар бирмунча батафсил, янги фактлар, тафсилотлар билан тўлдирилган ҳолда келтирилган. Бу материаллар ўтган асарларда Кўзон ва, умуман, Фарғона водийсида, Тошкент, Бухоро, Қарши, Қашқар томонларда наъшу намо топан шoirлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган.

"Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти" китобиде 120 шoir ҳақида маълумот ва уларнинг асарларидан намуналар келтирилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Аҳмад Закий Валидий, Фуод Кўпрулзода сингари машҳур олимлар асарларида тилга олинган кўзонлик мутасаввиф шoir Дастағул ҳақидаги биография маълумотлар фақат "Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти" асаридагина мавжуд.

Китобнинг Муқимий, Мухйи, Завқийга бағишланган саҳифалари мароқ билан ўқилади. П.Қайюмов Муқимийнинг қуйдагича хотирлайди: "Ҳой, фақирликда кечди. Бундаги ринд табиат бошқага бўйин эгдирмади."

Ранги захиррок, ариқроқ, новча бўйли, бугдойранг, сийрак кучис соқолли, асабий чеҳрали озода бир киши эди. Узун трика нимқора камзул қийан устида ёғи трика(гулсиз) авра-астар нимқора қийим қийган, камзул устида иккита шоҳи белбоғ бойлаган, оёғида эскироқ тоза амиркон қовуш-маҳси қийган, бошида кичикроқ маллага мойилроқ қавд эски салла ўраган, камзулининг кўкрак чўнтагидан кумуш соатнинг занжирлари арағ кўриниб қолади. Қўлини орқасига қилиб охира бораётгани кўз ўнгиде туради. 1902нчи йил эди. Ҳозирги Киров кўчасида чойхонанинг ариқ томонида кўрдим. Мен кўчанинг чап томонида эдим. Бир киши — Тожиқон Расулов номли бир йигитча менга қаратиб: — "Ана ўшал бораётган шoir Муқимийдур", — деди". Бу — Муқимийнинг ташки қўлини ҳақида. Муқимийнинг Мухйи билан муносабати ва ҳар икки замондош шoirнинг феъл-атвори ҳақида китобда шундай дейлади: "Шoir Мухйи билан Муқимий бир эшиқдан чиқиб турар; Муқимий мадраса эшигининг ўнг томони ёнидаги ҳўжрада, Мухйи бўлса чап томондаги даҳмада узок вақт турганлар".

Шoir Завқий ҳақидаги материаллар асарнинг I дафтари(13 — 17-бетлардан ҳам, II дафтар(227 — 233-бетлар)дан ҳам ўрин олган. Муаллиф Завқийни кўрмаганлар учун уни қуйдагича тавсифлайди: "Хўшомат, кўрак гавдали, ок юзли, сийрак мош-гурунч таралган соқолли, озода, чиройли кулар

юзли, банорас тўн оқ саллалари бу кишига шoirлик ярашиб тушар эди. Коффан бозорида мўтабар оксоқол, маҳалласида меҳмонхонали, кирди-қиқди хизматчи ходимлар, чиройли маҳрамлар, озода жой, ош, таомлар меҳмонхонада, меҳмонхонада доим одам бор экани, от-улов, келди-кетдилар, бошқа шoirларда кўрулмаган нарсалар билан Завқий шoirлар орасида айрим ўрин тутди...". Бу тавсифни юқорида келтирилган Муқимий ва Мухйи тавсифларига қўйилганда билса орадаги тафовут яққол кўзга ташланади. Оилавий шароити, иқтисодий аҳоли бир-бирларидан шундай фарқланадиган шoirлар давр адабиётини ўзаро ҳамкорликда яратдилар. Уларни адабиёт, сўзга бўлган муҳаббат бирлаштириб туради.

"Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти" асари ёзилганига ярим асрдан ошди. Бу вақт давомиде Кўзон ва, умуман, юртимиз тарихи ҳамда адабиётини ўрганишга доир кўплаб тадқиқотлар яратилди, илгари номаълум бўлган кўзон тарихий, адабий манбалар илмий истифодага киритилди. Агар биз П.Қайюмов

асарига адабиётшунослигимизнинг бугунги даражасидан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, асардаги айрим маълумотлар бироз эскиргандек, баъзи саналар нотўғри кўрсатилгандек туюлиши мумкин. Айрим шoirлар ҳақида айрилган фикрларни рад этиш учун марҳум муаллиф билан ғойибона баҳслашмоқчи бўлган ҳам топилиб қолар. Бироқ бу билан "Бобрнома", "Шажараи турк", "Баҳр ул-асрор", "Мунтахаб ул-таворих", "Аноб ул-салотин", "Таворихи манзума", "Маҳмуаи шoirон", "Тухфат ул-ахоб" сингари ўнлаб мўтабар тарихий, адабий манбалар билан, биз билган-билмаган юзлаб кўлёмза, тошбосма китоблар ҳамда умр бўйи эл ичиде юриб, излаб-суриштириб, эринмай зарралаб тўпланган материаллари асосида яратилган бу нодир асарнинг аҳамияти эсло қамайиб қолмайди.

Тўғри, асарнинг айрим саҳифаларида тақрирлар бор, баъзи ўринларда муаллиф шаблон атамаларини ишлатади. Лекин муаллифнинг китобда баён қилинаётган муаяян тарихий воқеа, шахс ёки манбага нисбатан бўлган ҳолисиги ва ҳалол муносабати тўғрисида камчилик деярли сезилмай кетади. П.Қайюмов ижодкорларни таърифлаётганда ўз шахсий фикрини очиб айтиди. Шеърларга юксак дид, шoirларга эса талабчанлик билан ёндашади. Масалан, ҳеч ким танимайдиган Мусоҳон исми шахснинг бир газалида истеъдо учқунларини кўриб, китобга киритгани ҳолда, Ожиз тахаллусли таниқли бир шoirнинг шеърларини "бадиий жиҳатдан кучсиздир", дейди. Бундай мисоллар жуда кўп. Муаллифнинг самимий, содда ва раво услуби туфайли китоб саҳифаларидан олиқ асарларнинг सदолари қулонгизга эшитилиб, кўнглингизда жангалагандай туюлади. Китобни ҳар гал варақлаганингизда бу садолар тақрирланаверади. Ўймайди.

Энди икки оғиз сўз ушбу китобнинг наشري ҳақида. У полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилган. Китоб аввалида масъул муҳаррирнинг "Адабий муҳит ва тарихнинг ўзига хос тадқиқи" мақоласи, китоб охирида эса Р.Тожибоевнинг "Маърифатпарвар муаллим ва серқирра олим" сарлавҳали мақоласи, таниқли адиб Эркин Самандарнинг "Улар шундай эдилар..." сарлавҳали бадиаси ўрин олган. Бизнингча, Рустам Тожибоевнинг таништирув маънуидеги мақоласи киришсўз ўрнида берилиб, моҳиятан тақрир бўлган "Адабий муҳит ва тарихнинг ўзига хос тадқиқи" сарлавҳали мақола китоб охирига қўйилса ёки алоҳида нашла эълон қилинса тўғрироқ бўларди. Китобда муҳаррир ва мусаххихнинг эътиборсизлиги натижаида айрим хатолар ўтиб кетган...

Сўзимиз охирида муаллифнинг қуйдаги сўзларини келтириш ўринли бўлади деб ўйлаймиз: "Мақсадим. Ўзбекистон тарихи учун кўмак бериш, келажак авлоднинг олдига бу хизматим билан тарихий ёдгорлик маълумот қолдириб кетишдур. Қабул қилувчи бўлар деб ишонман". Ушбу нашр П.Қайюмов мақсади амалга ошганидан нишонандир.

Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ,
филология фанлари номзоди

романини, Муҳаммад Шарифнинг "Кулдиргич" номли ҳикоясини ҳамда адабиётшунос олим Наим Каримовнинг "Ўйрмон хангомалари" комедиясини ўқийдилар.

Адабий мерос, бугунги ижодий жараёнинг долзарб масалаларига бағишланган тадқиқот ва мақолаларга кенг ўрин берилган. Жумладан, У.Ҳамданнинг "Қодирнинг хизмати нимада?" мақоласида профессор У.Норматовнинг "Қодирий мўъжизаси" китоби таҳлил этилган бўлса,

З.Қобиловнинг "Ишқ мулкнинг Амри" ва А.Ҳайитовнинг "Арбабини Жомий"нинг таржимонлари тадқиқотларида мумтоз меросимизнинг айрим мавзулари ёритилган.

А.Қўчимовнинг таниқли шoir Маъруф Жалил ҳақидаги "Қамтарлиқнинг баянд чўққиси" бадиаси, Б.Йўлдошев, А.Тўйчиев, М.Асадов ва тадқиқотчи О.Сафаров мақолаларида адабий танқид тамойиллари, тарихий бадииятда макон ва замон, ижод заводи ва машаққатлари ҳақида фикр юритилади.

"Гулқайчи"да Ҳайдар Муҳаммаднинг хангомаларидан баҳраманд бўласиз.

"ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ"

2012 йил, 4-сон

Журналнинг ушбу сони илк саҳифаларида атоқли тилшунос олимларимиздан Азим Ҳожиёвнинг ўзбек тили аналитик феълларнинг моҳиятини ёритишга бағишланган, Мирзиз Миртожиёвнинг "Ўзбек тилида бўйин" мавзусидаги салмоқли тадқиқотлари билан танишасиз.

Адабиётшунос олимлардан Йўлдош Солижонов "Ҳозирги ўзбек ҳикояси" мақоласида ҳикоя жанрининг асосий шартлари, ҳозирги ўзбек ҳикояларининг структураси, мавзу ва муаммо кўлами ҳақида фикр юритса,

"ШАРҚ ЮЛДУЗИ"

2012 йил, 5-сон

XX аср ўзбек шеърини ўзининг юксак намуналари билан замонавий адабиётимиз хазинасини бойитгани сир эмас. Журналнинг янги сониде "Боқий сатрлар" рукни остида берилган Чўлпондан Усмон Носиргача — ўнга яқин атоқли шoirимизнинг маълум ва машҳур шеърлари бугунги ўқувчини яқин ўтмиш ўзбек поэзияси дурдоналаридан баҳраманд этиши билан қадрлидир.

Таниқли шoirлар Эшқобил Шукр ва Хосият Бобомуродованинг янги туркумлари, Ҳабиб Абдуназар, Хумоюн шеърлари, Жололидин Муслимининг сонетларини ўқиб, адабий жараённинг қайноқ, жозибали нафасини хис этасиз. Қорақалпоқ шoirи Улмабет Ҳўжаназаровнинг шеърлари (Рустам Мурсурмон таржимаси), Самандар Воҳидовнинг туркум газаллари ва шеърят муҳлисарига манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Наср ихлосмандлари журналнинг ушбу сониде Асад Дилмуроднинг "Ранг ва меҳвар"

Журналнинг асосий мавзуларини

Сотим АВАЗ

УМИДВОР КИМСАГА ХАР ОН ВАСЛ УМИДИ БОР



ҲАЗАППАР

Matnazar Abduxakim хотирасига

Кўнглима олат эрур пок назарин истамак,
Покиза назарлардан жон қадарин истамак.

Меҳвари муҳаббатда айланиб умрим ҳалак,
Мақсад-муддао бўлиб бир қамарин истамак.

Илму ишқим шавқига бейфойда эрур чеклар,
Чунки унга хос эмас наф-зарарин истамак.

Ҳажр тоғин ушатмоқ ишим эрса-да, аммо
Заррача кам бўлмади жилвагарин истамак.

Ёр олдида сўзимга етмай нечук фасоҳат,
Етишимаса гар ҳақдин кор-асарин истамак.

“Мангулик жамол”ни уқдим, Сотим Аваз,
Кўнглими тарк этмади Матназарин истамак.

Сўзим ким тинглайди бир зум, далим жонона рад этса,
Оқарғай кўздаги мардум, гулим жонона рад этса

Ташна тилакки мен деб садоқат расмин ургандим,
Қолурмен кўр каби панд ёқ, илм жонона рад этса.

Ханджари зулмига хўп жонимни нишон айларам,
Эмасмен ҳаттоки бир чўп, зулм жонона рад этса.

Дегайди ғазаб ичинда: кулим, ҳаргиз умид этма.
Демас ҳатто тил учинда, кулим, жонона рад этса.

Тилм бурросининг бурдин кеттигизли хар лаҳзада,
Кўрсатур сўзарин дурдин тилм жонона рад этса.

Сотим Аваз хирсу ҳавас, гулу шаккокин рад эт,
Пешонадан нари кетмас ўлим, жонона рад этса.

Шу йил октябр ойи охирида “Дўрмон” ижод уйига юртимизнинг ҳар буржидан ёш ижодкорлар келиб кетишди. Барча шарт-шароитларга эга бўлган ушбу сўлим ижод уйидаги семинар чин маънода шеърят, адабиёт байрамига айланган. Ёшлиқ, нафосат ва шеърятнинг муштарак бирлиги юртининг бу азият ҳўрасида янгида гўна очди. Музакилик йилларида тугилган, кўлига қалам тутган адабиётимизнинг бу калдирғочлари кўзги Дўрмонга ўларин билан баҳор олиб кирдилар.

Семинарнинг иккинчи кўни, тушга яқин истикомат қилиб турганим — устоз Шўкур Холмирзаевнинг боғчасига семинар иштирокчисини бўлган уч илгит ва иккита қўз кириб келишди. Атоқли адиб яшаб, ижод этган манзилга ўларинга хос ҳайрат-ла боқиб, ўларинча хўлосаларга ҳам келдилар. Шеърларидан, ҳикояларидан ўқиб беришди. Кўча томонга қўл ташлаб қолган ёнғоқ шоқларини кесаётган абитурент жияним ҳам қизқиситиб бизнинг даврамизга келди. Шўкур ака эккан дарахдан хар берига олма узиб бердим. Бирпасдан сўнг ёш меҳмонларимиз кўвониб бодган қимб қўдилар. Улар кетишган бўлажак кўрдик жияним бироз тортиниброқ турди-да, қўлимдан шундай савол бериб қолди:

— Улар бу семинарда нимани ўрганишди? “Ундай ёзма, бундай ёзма”, деб устозлар шеър ёзишни ўргатишдими? Бироз кулгим кўстади, аммо савол жиддий эди. Қўлидаги мушқаддалар шу савол сабаб кўнгилдан кечди.

ЮРАК БИЛАН ДУСТАК

Шеър — муаллифи мусаннифи қимлигиндан қатъий назар, аввало дарддир. Она замин ҳам шеърлар битади. У ўз шеърларини аллақачонлар ўқиб бўлмас қилиб битиб қўйибди. Ушбу таъсирини келтираётганимиз манзил билан аввало шеърят билан дахлдор. Бойсунтоғда Куйгандара номли жой бор. Улкан даранинг юксакдан паस्ता қўзилган, нари борса тўрт-беш ўтов жой бўлган қичк қисмида ҳеч қачон гиёҳ ўймайди. Йилнинг кўп вақтида соя тушиб турадиган бу тақир ёр кишининг бирдек — жиғаранг тусда. Қор ҳам қўп турмай ҳовурланиб, эриб кетати. Бухоро амира тиллосини кўмиб кетган деб, эринмаган чўпон-чўлик қовлаб ҳам қўришган: бейфойда, ҳазина йўқ. Эхтимол у ердан гиёҳ уммаслигининг боиси ёр рельефи билан боғлиқдир.

Алқисса, одам оёғи етиб, нигоҳи тушган замонлардан бери бу дара шу бир тилим жиғаранг, тошлук ёр ҳисобига Куйгандара дейилади. Кимки фарзанддан жудо бўлса, кимки бош эгасидан бевақ айрилиб қолса, ё кимди ора-инасиндан қоракхат олса, қўйингки, кимнинг ўрни тўлмас камин бўлса, шу дарага келиб, оловқ бу гўшага дардини тўкиб кетаркан. Яратган билан танҳо қилиб, қўксини бўшатиб, гаминадан фориғ бўлиб қолган йўлига қай-

Ошиқлар, қалбин тўбинда мулк бир дунё ётур,
Бехисоб тилло хароба остида гўё ётур.

Най каби илма-тешик дил қўларидан термулиб,
Нолалар чекмоқ учун зор бўлди шайдо ётур.

Ҳажру гамнинг чўлидан ким юрса гар беихтиёр,
Унга олдида мудом ёр лутфидин зиё ётур.

Шавқим кўз очган булоқ сингари мусафқодир,
Неча ташна дилга унда малҳаму шиғо ётур.

Хар тоғ олдида чўкка тушмагайди ҳайратим,
Чунки фахру ифтихорим ёр меҳрини бино, ётур.

Қалб аро, Сотим Аваз, ётмағай ортиқча кир,
Ишқдин бегона унда ётса гар, хато ётур.

Ой юзинга тикка боққан кўзим гуноҳқордир, санам,
Шул сабадан ёш тўкиб у айбига иқрордир, санам.

Сен сабаб гуллар саросар хайриқодурлар менга,
Сенсиз эрса боғу бўстон айни тиканзордир, санам.

Ор этарман тонг-сахарда бўлбулға дардим айттали,
Сен қулиб уйғонмагунча гулларга ҳам ордир, санам.

Тўхтамай ёнғувчи умрим англамай, асло шам, деманг,
Шам эмас, парвона янглиг жоним гирифтордир, санам.

Тортман хар қун енгил, қуш сингари бўлмақдам,
Чунки тенгсиз тангашарим муҳаббат — меъмодир, санам.

Гам чекма кўп, Сотим Аваз, қўнгли боғлаб хар лаҳзада,
Умидвор кимсага хар он васл умиди бордир, санам.

СОҢЕТ

Футбол давом этар, ана, минг-миглаб,
Одам кузатди биргина тўпин.

Биргина “Севама” сўзингиз тинглаб,
Унутдим шиддатли шовқинин кўпининг.

Футбол давом этар, томошабинлар
Жондан ардоқлашар сўзқиларини.

Менин бир суёқлим бўлсам агар,
У сизсиз — ўйнаган жону жигарини.

Футбол давом этар, кеңирилмайдиган
Кичик бир хатоси ўйинчи зотини.

Менин севгим эса ҳар бўлмайдиган,
Тўпдек тоширганман сенга ҳаётимни.

Дуранг билан битди футболдаги жанг,
Севгинда эса ҳеч бўлмағай дуранг.

Ашурали БОЙМУРОД



КУЗ ҚУШИГИ

Момикқинам, момингизда ётайин,
Олис йўлдан келдим сенга атайин,
Сен ҳақинда ёниб қўшиқ айттайин,
Хордиғимсан, дилда ёнар сўзимсан —
Кузимсан!

Хазонларинг зериктирмас, боғ гўзал,
Оқ салласин ўраётган тоғ гўзал,
Ҳаммасидан менга тушбо чоғ гўзал,
Мезон келиб асал йиққан узумсан —
Кузимсан!

Ҳосил чўғи хирмонингдан аёндир,
Тандирдаги ширмонингдан аёндир,
Неки берсанг, имконингдан аёндир,
Тандир ичра ловуллаган юзимсан —
Кузимсан!

Сарғайибди табиатнинг вароғи,
Ҳосил йнгар гўё ойнинг уроғи,
Ойдин тулда ўчмас қўзнинг чироғи,
Бедорликда сен ҳам менин ўзимсан —
Кузимсан!

ҚУЁШГА ТЕНГДОШИР БУ ҚАДИМ ДИЁР

ЮРТИМНИНГ ЁШИ

Бу қадим маконнинг ёши нечада?
Минг хил қарашлар бор, ечмас жумбоқ,
Хар юртининг ёшини билмоқчи бўлсанг,
Унинг тупроғию ҳавосига боқ.

Тупроқ-ҳавосидан ранг олмиш юрак,
Қуёшга қараган пешонасин бор.
Тонглари шафаққа чўмилган, деманг,
Қуёшга тенгдошир бу қадим диёр.

ОНАЛАР

Сизни она дея атагим келар
Ўтса ҳам неча йил, ою саналар,
Менин онам дея мақтагим келар,
Онаминг ёнида бўлган оналар.

Бирингиз дугона, бирингиз сингил,
Букун кайвонисиз амма, холалар,
Сизни кўрмоқ истаб соғинар қўнгли,
Онаминг ёнида бўлган оналар.

Она ҳиди бордир асли холада,
Олис фироқинқу юрак тан олар,
Меҳр уйғотдингиз сиз ҳар болада,
Онаминг ёнида бўлган оналар.

Онасин гўшага келиндлар тушди,
Хотин-халаж билан тўлди хоналар,

Сизнинг ташрифингиз дилимни кўчди
Онаминг ёнида бўлган оналар.

Соғинган чоғимда келаман Сизга,
Ортимда қолади минг бир нолалар,
Онамдек меҳрибон, дилдорсиз бизга,
Онаминг ёнида бўлган оналар.

Ёр бағрига қадалди уруғ,
Табиатнинг ажиб ниёмини,
Эртанги қун бўлғайди қутлуғ,
Шу уруғдир ҳаёт давоми.

У қўёшдан нур эмар буткул,
Улғаяди Ёрнинг тафтида,
Икки қалбдан яралгай бир гул,
Ниҳол яшнар Замин қафтида.

ТАНДИР

Ўзбекларнинг ери бир тандир,
Ўзиб олар ризқини онамиз.
Зуवालмиз шу битта ердан —
Шу тандирда пишган болаамиз.

Ўзбекларнинг ери бир тандир,
Чўғларига кўксим босаман.
Юрагимдан ўзиб бир қулча,
ВАТАН деган сўзини ёзаман.

дир эҳтимол. То ўша вақтгача ёзилган кимсанин руҳида шеърят бор. Қисқа муддат бўлса-да шoirга айланган кишининг руҳияти шoir учун ҳаммашиқлиқдир. Буни муқим тутиб туриш учун кўнгли керак. Кўнглини асароқнинг шартин шoirда фақатгина горизонтал илтимой адолат эмас, балки қалбадаги доимий ҳаққа талпинувчи одилликдир. Шу мардлиқ ҳисси шoirнинг биткиларига қўчади ва юқумли бўла олади. Бу шеърларнинг умри муаллиф умридан узун.

Абдулла Тўқайнинг

Ярқираб юлдуз ёноду,
ту қаро бўлган сайин,
Ёлми тангрим тушоидир,
бахтим қаро бўлган сайин,
деган сатрлари юқоридаги адолат тушунчасини анида теранроқ аналлашга ёрдам беради. Бахту бағ-тсизлик талошида Тангри ёдига тушаётган кимсанин холи шoirнинг кундалик ахлоқидир. Худо адолатли орақда қўшади. Шoir эса доим ички хуррияти билан адолатга юзма-юз.

Кайсики ижодкор адабиёт осмонда лов этиб, қўларни қамаштириб порлаб, кейинчалик сўнган, ўз бурчини адо этолмаган бўлса, унинг шахсиятида нимадир, эҳтимол шу мардлиқ етишмаган бўлади. Баъзан катта истеъдодга эга, ўзидан бетақдор адабий мерос қолдириши мумкин бўлган ижодкорнинг ил биткиларидеги мусаффолик, ҳасратнинг-да бетавма, бекин оханглари унинг кейинги ёзганларида соясини ҳам

Оддий лаборатория лупасида қўш нуруни бир нуқтага йиғиб каттагина энергия ҳосил қилишди. Адабиётшунослика “қалб призмасидан ўтказиб” деган ибора айни ўша механик лупага қиёсан бўлган. Шеър юқининг нарсдан оғир олinsa оғир, аммо кам эмаслиги ҳам ана шу нуқтанинг аниқлиғидир. Вазни, ҳижолат сони, оханг ва кайфияти ҳам қарийб бир хил бўлган иккита сатр мутолға иккита шеърга тегишли бўлиши мумкин. Бундан нимадир яса-са бўлар, фақат шеър эмас! Яна бир қарз гап: қайим бизга тақдим қилинаётган китобларда куйдагича ижод маҳсуллари ҳам қўрапмиз. Булар “ясалган”, “ёзишим шарт” деб ёзилган, шунчаки оханг ёки тилгилан ташбўхга алданмиш оқибатида тизилган ва чиндан ҳам рўй берадиган, ижодий дард билан тугилган шеърлардир. Уларни фарқлаш лозим. Ўз навбатида таъсирланиш ва тақлид ҳодисасига жиддий қараш керак. Туйғу, оханг ва ташбўх ўйриғили нафақат “жабрланувчи” ижодкорни, энг аввало шеърини, шеърятни камсити-ди. Бунда шуни ўзига эл қўрган ижодкор кўпроқ ютқазди: ўз шеърини, охангини йўқотиб қўяди.

Мазмуни, охангдорлиги, юракдан олган юк ҳамми биланок ақоийб “тўрлик-ка айланадиган сатрларини беш ёки ўн бандлик ҳомузали шеърнамо нарсига айлантириш беҳудадир. Бундан шoir ҳам, шеърхон ҳам наф кўрмайдиган.

Тагин бир англаб, ҳис этиб олиш лозим бўлган бир ижодий талаб бор. Бу “хали...” деган сўз билан бошланади. “Хали” калимаси шoirга доим дўст эмас. Расул Ҳамзатовнинг кексайган чоғида айтган, шу ақлу тажрибани ўттиз ёшимада бўлганидайдиган, деган мазмунда бир гапи бор. Улкан сўз устасининг бу андухи бедаво. Вақтида “давосини” топиш зарур. Аксинча, узўқ-юлуклик, янги йўл деган баҳонада, ўзликка беғоналик ҳосили бўлган қатрлар пайдо бўлади.

Тагор Ҳилолат тоғлари қошида туриб, бир сатр ҳам ёзомай қайтганини ва бундан фориғ бир ҳолатни қашф этганини шундай изоҳлайди: “Тоғларнинг истеъдод мендан бандан экан!”

Профессионалнинг ичиде барча жүрғофий қатларлар ҳам бўлмоғи, тўрт фасл тенг турмоғи мумкин. “Юрт ошиб, эл қўриши” жудаям шарт эмас! Қаерга эмас, кимнинг ёнига деган сўроқдан донм безовталаниш ижодкорда зарурият айланаши керак. Қолганини истеъдод қўлами ва муҳаббат ўзи хал этади.

ВАТАН, ШЕЪР, ШОИР

Ватансиз шoir йўқ! Бошқа касб кор соҳиблари “киндик қоним тўқилган” деган иборани бироз жўн тушуниши мумкин, бунга улар бироз ҳақлидир балки. Аммо шoir учун энг биринчи, олий таш-

ШОДМОНКУЛ САЛОМ

ШОИРЛИК ШАРАҲИ

мию камаланинг лаҳзалик жилосидан шoir юрағи умр бебақолигининг гўзал, дардчил оханглари яратади. Шoir — ўз қалбини тарихисини Унинг тисоли нигоҳларидир.

Ўзигини истеъдод билан излаётган кишининг қалбиде абадий муҳаббат бор. Шoir шу сабабли ҳам аввало некин-дир. Бу некинлик қўнглини мунтазам поклаб туради, илсохоти тўхтамайди. Бу некинлик бўлмаган жойда шеър унмайди. Кўнгли ҳаёт ва турмушининг товушига акс-садо бермайдиган киши ботинача шеърят йўқ. Майдонга келадиган шoir истеъдоднинг илк белгиси юрак билан дўстлиқдир. Дўстликки, ҳайратли қалб қўзини, латиф ҳўсисётнинг пок асароқк авазига қўрилган. Олов ташбўхлар, бетақдор метафоралар, санъатлар — буларнинг барчаси кейин юз очади. Муқтарар шарҳ эса шундай: Шoirлик — берилган муҳаббатни авазига ҳеч нима талаб этилмайдиган дил қўрбонлиғидир! Шеърини истеъдоднинг бор ёки йўқлиги ижоднинг асосидир. Истеъдод — асосдир!

Осмон гўмбурлаганини эшитиб “Художон хўлвасига тош тўқтирпяти, уй курс керак”, деган тўрт ёшли болакайга “Алпомиш” ёки “Робинзон”ни ўқиб беринг, гурури юксалсин, иродаси тоблانسин. Шoir бўлар эҳтимол. “Осмон гўмбурлапти, симдаги кийимлар кўл бўлади”, деган унинг тенгурига эса халал берманг — унинг ҳаётда ўз юмушлари бор.

Истеъдод китоблар ва оханглари ичиде вояга етганида, шoirликнинг биринчи ва мангу шартин унинг гарданига тушган бўлади. Бу ижодкор шахсияти билан томирдош бўлган мардлиқдир! Одиллик, эътйқод бутунлиги, инсонга, ватанга бўлган оташин муҳаббат — буларнинг барчаси мардлиқда жам! Шoirнинг мардлиқи бошқалар жўмардлиғи билан тенг. Шу боис бироз жунувалшиқ унга бегона эмас. Худонини тани, юрак билан сирлашиш каби шoirга хос кечинмалар бошқаларни адолатга, хурриятга талпинган, имон келтирган чоғларида сийлаб туради. Бу пайтда кўнгли шеър тусайдиган. Шеър



Шодмонкул Салом

Шоирлик ҳаётининг мутақаллими бўлиши мумкин. Шoir эса доим ички хуррияти билан адолатга юзма-юз. Қайсики ижодкор адабиёт осмонда лов этиб, қўларни қамаштириб порлаб, кейинчалик сўнган, ўз бурчинини адо этолмаган бўлса, унинг шахсиятида нимадир, эҳтимол шу мардлиқ етишмаган бўлади. Баъзан катта истеъдодга эга, ўзидан бетақдор адабий мерос қолдириши мумкин бўлган ижодкорнинг ил биткиларидеги мусаффолик, ҳасратнинг-да бетавма, бекин оханглари унинг кейинги ёзганларида соясини ҳам қўрапмиз. Булар “ясалган”, “ёзишим шарт” деб ёзилган, шунчаки оханг ёки тилгилан ташбўхга алданмиш оқибатида тизилган ва чиндан ҳам рўй берадиган, ижодий дард билан тугилган шеърлардир. Уларни фарқлаш лозим. Ўз навбатида таъсирланиш ва тақлид ҳодисасига жиддий қараш керак. Туйғу, оханг ва ташбўх ўйриғили нафақат “жабрланувчи” ижодкорни, энг аввало шеърини, шеърятни камсити-ди. Бунда шуни ўзига эл қўрган ижодкор кўпроқ ютқазди: ўз шеърини, охангини йўқотиб қўяди.

ХОТИМА

2011 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Ижод” жамоат фонди деб ижодкорларнинг 220 миנג нусxada, бу йил 75 миנג нусxada китобларини нашр эттирди. Уюшманин пойттахтимизда ва вилотларда семинарларини доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Жўрландан, “Дўрмон” ижод уйидаги тур куллик семинарлар аваласида устоз ижодкорлар билан бўлган ижодий мулоқотлар ёш қалбларда ўчмас из қолдирди. Покиза дилдан тилга кўчди. Шахидлар хотираси збиратидан автобусда қайтаётган ёшлар тўқилгани, жүрвовз бўлиб Ўзбекистон мадҳиясини айтиб, не бир қулур туйғуларни юракларга солди. Шoir Иқбол Мирзо бу хони хаждон билан айтиб берди.

Навоийлик Умиджон Худойкулов, қоракалонистонлик Гулзода Отаниёзова, тошкентлик Нуржон Бозорова, паркентлик Наима Абдураҳмонова, наманганлик Зулфияр Мухаммадиева, сурхондарёлик Наргиза Одинаевларнинг ёзган шеърлари қўнгли томонидан яхши бошоланди, барча ёшларга катта умидлар билдирилди.

Юқоридаги бир савол сабаб ёзилган фикрларинг дояси шу ҳам умиддир.

Навоийдан ёдрор бу қадим боғда
Кузда ҳам қўқлади сўз оғочлари.
Юртининг хар буржидан лабда сўз тутиб,
Дўрмонга ил қурди қалдирғочларини...

Шодия Тўхтаева Ўзбек Миллий академик драма театрининг истеъдодли актрисаларидан. У «Аёлгу», «Огоҳ бўлинг, одамлар», «Омон бўлгин, азизим», «Кўёшнинг сен уйротасан», «Рустам», «Тақдир синовлари» каби спектаклларда, шунингдек, «Қайтар дунё», «Туташ тақдирлар», «Сержантлар», «Бир кам дунё» сериаллари, «Бегоналар», «Чашма», «Қарздор», «Ўйин», «Тубанлик» ва бошқа кўплаб кинофилмларда турли характердаги образларни гавдалантирган.

— Шодия опа, санъат оламига, хусусан, театрга кириб келишингизга айнан қайси омил сабаб бўлган?

— Болаликда кўплар артист бўлишни оруз қилади. Бундай оруз менда ҳам бўлгани табиий, аммо бу тақдиримга айланади, деб ўйлаган эмасдим. Авиация институтида ўқиб юрган кезларимда санъаткорлар тахсил оладиган олий ўқув юрти борлигини билмаганман. Қалбимда қан-

дардини кўрсатишга интилдим. Шабнам шаҳардан кишлоққа келин бўлиб келган бўлса, буни ақли билан эмас, севгиси туфайли қилди. Катта бир ишни амалга оширган бўлса, оилавий қийинчиликларни енгиш учун қилди. Буларнинг ҳаммаси дард-ку. Аёл хоҳ директор, хоҳ бошқа бир лавозим эгаси бўлсин, у барибир — аёл. Иродали, кучли бўлиши мумкин, аммо юраги,

разга кирдим. Филм премерасидан сўнг кузатдимки, бу эпизодик қахрамон кўпчиликнинг эсида қолибди. Тўғриси, буни кутмагандим. Кичик, аммо залворли бу ролни санъат аҳли ва томошабинлар яхши қабул қилганидан хурсанд бўлдим.

— Таниқли режиссёр Баходир Йўлдошев актёрлар кўпинча санъатдаги ролларини деб, ҳаётдаги ўз ролларини унутиб қўядилар, деган фикр-ни айтган эди.

— Албатта. Ижодда ҳам, ҳаётда ҳам ҳеч нарса беҳудага бўлмайди. Бирор касбни танладингизми, бир нимага эришиш учун меҳнат қилишингиз, машаққат чекишингиз керак. Актриса учун ҳам худди шундай. Яхши ижодкор бўламан, ўзимдаги санъатни тўлиқ кўрсатаман, десангиз ҳаётингиздаги ҳамма нарса унга боғланади. Бизнинг соҳа фидойиликни яхши кўради. Уйда эмас, гастролларда кўп юришга, кунимизни ишонада ўтказишга, ҳар қандай шароитда вазирамизни бажаришга тўғри келади. Уйдан эрта чиқиб, кеч қайтамиз, яқинларимизга кам вақт ажратамиз, соғлигимизни ҳар доим ҳам ўйлаб олмаймиз. Ана шулар севган касбинг туфайли бошқа нарсаларни баъзан унутиб қўйиш бўлса керак.

— Ҳар қандай ижодкорнинг шаклланишида, биринчи навбатда, устозларнинг хизмати катта бўлади. Ҳаётда ва ижодда кимларнинг сабоғига таянасиз?

— Ижодкор одам табиатан фақатгина устознинг таълими билан чекланиб қолмайди. Атрофида бўлаётган ҳамма нарса унга таъсир кўрсатади. Талабалик чоғимда устоз Махмуд Рашидов кўлларида тахсил олган бўлсам, театрда жуда кўп санъаткорлардан сабоқ олиб келяман. Катта-кичик ҳар бир актёрдан ўрганаман. Репетицияларни кузатиш, энг асосийси ўқиш керак. Ижодкорнинг маҳорати, биринчи навбатда, мутлола орқали ортади. Бўш вақтим бўлдимки, китоб ўқийман. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир кун оддийгина кийинган ширакайф бир одам мендан «Сен актрисасан-а?», деб сўради. Жавобимдан сўнг, аввалига мени нималаридан деб мақтади, кейин хорижини қайсидир актрисасига ўхшати. Мен билмайдиган бир қанча асарларнинг номини, қахрамонларини айтиб, улар тўғрисида гаплашмоқчи бўлдим. Бу ҳақда билмаслигимни айтганимда, «Афсаласи пир бўлди шекилли, «Эх, Сени дунёқараш кент актриса деб билардим!» — дедию орқасига ўтирилганча жўнаб қолди. Уша пайт қандай аҳволга тушганимни тасаввур қилаверинг. Ҳаётимда ҳеч қачон бундай мулзам бўлмаганман. Бу воқеа мен учун бир умрлик сабоқ бўлган.

— Ҳозирда нималар билан бандсиз, муҳлисларингизга қандай ижодий янгиликлар тақдим этмоқчисиз?

— Ҳозир Санъат ва маданият институтида ўқитувчи сифатида иш бошлаганман. Шунинг учун ҳам асосий диққатим мутлолага қаратилган. Таниқли адилларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, япон ёзувчиси Кабо Аба асарлари билан биргаликда, Аристотел, Станиславский ва бошқа олимларнинг соҳага оид илмий адабиётларини қайтадан ўқиш билан машғулман.

Ижодий янгиликларга келсак, режиссёр Темурмалик Юнусов ишлаётган тарихий мавзудаги филмда менга Увайсий роли берилди. Ҳозирда филмини суратга олиш учун тайёргарлик ишлари кетяпти. Бундан ташқари, Фахриддин Шамсиматовнинг илк филми — «Сой кўшиги»да ҳам яхши бир ролни ижро этган эдим. Яқин кунларда филмнинг премераси бўлиши кўтилляпти. Театрда эса режиссёр Нодира Махмудованинг «Халала» спектакли қайта саҳнага чиқиш арафасида. Бу спектаклда яна Малак образини талқин этялман.

Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА сўхбатлашди

АСҚАРНИНГ «ИСКАНДАР»И

Бугун ёш режиссёрларнинг самарали изланаётгани, маҳоратлари тобланиб, катта саҳналар сари дадил одимлаётгани барчамизни қувонтиради. Шу ўринда режиссура санъатининг муҳим бир қондаси ёдга тушади: ижодкорнинг мавзу ва асар танлаш билиш қобилияти бу муваффақиятнинг салкам ярми демаскир.

Яқинда бўлиб ўтган ёш режиссёрларнинг анъанавий «Дебют» кўрик-фестивали ушбу масалага қисман бўлса-да, жавоб топиш имконини берди. Очигини айтганда, фестивал давомида ёшлар орасида Фарб драматургиясига эътибор кучли экани сезилди. Буни У.Гибсоннинг «Муъжиза яратувчи», А.Макаёнокнинг «Зада бўлган авлиё», Н.Саймоннинг «97-хона» каби спектакллари мисолида кўриш мумкин. Албатта, ёшларнинг дунё драматургиясига ҳам қизиқиши яхши. Аммо инсоният маънавий мулкига айланган классик асарлар Шарқда ҳам бир сёр эканини унутмаслик лозим. Эътиборли жиҳати шундаки, фестивалда Шарқ классикаси асосида саҳнага қўйилган биригина спектакл иштирок этди ва кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Бу Алишер Навоийнинг «Сади Исқандарий» дostonи асосида умидли режиссёр Аскар Холмұминов саҳналаштирган «Исқандар» монотспектаклидир.

Авалло, навқирон авлод вақилининг Навоий даҳосини ўрганишга бўлган иштиёқи, «Хамса» аталмиш бебаҳо мероснинг энг йирик ва энг фалсафий дурдонасига мурожаат қилганини эътироф этиш лозим. Шубҳасиз, асар ўта мураккаб, мазмундор, қолаверса, ҳажман йирик. («Сади Исқандарий» «Хамса» даги энг йирик дoston). Шундай экан, уни театрга мослаб инсценировка қилиш, саҳнавий «тили»ни топиш осон кечмагани аниқ.

Режиссёр спектакл жанрини фалсафий драма деб белгилади. Бу қарор амалда ўзини оқлаган. Зеро, ёш ижодкорнинг диққат-эътибори дostonнинг фалсафий моҳиятига, яъни умрнинг бебақолиги, тожу тахт, амал, мансаб ва бошқа ҳою ҳавасларнинг ўткинчилигига қаратилган. Спектаклнинг фалсафий гоёси режиссёрнинг рамзий топилмаларида, шунингдек, бош қахрамон образини гавдалантирган актёр Сардор Манноновнинг ўзига ҳос ижросида намоён бўлади. С.Маннонов қахрамоннинг ички руҳиятини очишга, кечинмаларини қуюқ бўёқларда, зиддиятларга бой, тасвирчан кўринишда тасвирлашга интилади.

Спектакл воқеалари ровий тилидан ҳикоя қилинади. Мустафо Бафоевнинг «Зир ал-ҳақ» симфоник асаридан янраган садолар остида саҳнада қўлида асо тутган холда ровий пайдо бўлади. Ибратли ҳикоятни бошлаш асносида кейинги воқеалар ривожига хизмат қилувчи тасвирий-декоратив топилмалар ишга тушади. Саҳна марказига туширилган арқонларга асоно боғлаб, унинг устига поёндоз шаклидаги оқ матони ёзади ва дунёга келган бўлгуси жаҳоннинг шўҳрат-мартабасига ишора беради. Оқ мато аста кўтарилади, навбатдаги рамзий унгуликни касб этиб, матлабу маъносини нишонси — тахтиравонга айланади. Тахт атрофидаги ёйлар эса шўҳрату мансаб ўткинчилиги, тожу тахтнинг бева-

фолиги, умр мисли «камондан узилган ўқ» каби ўтиб кетишига далилу ҳулоса тарзида берилди. Кейинги воқеалар давомида мазкур топилмалар ўрин алмашиб,



«Исқандар» монотспектаклидан лавҳа.

асар воқеаларини рамзий унгулик билан тўлдириб боради.

Қариб кучдан қолган Файлокус (Филлипп) ўз истаги билан тожу тахтни ўғли Исқандарга бўшатиб бермоқчи. Навқирон ўғил эса тахт сари ошқимайди, ҳар ишнинг вақти-соати борлигини, ҳукмдорлик рубтасига тайёр эмаслигини билдириб, отасига қарата «агар шохликка тайёр бўлсам, ҳар ишда айёр бўлсам, сўраб олгум мен ўзим» деган жавоб қилади. Бироқ афтоҳдаҳол бўлиб юрган ота кўп ўтмай омонатини топширади. Файлокус ва фоти Исқандар табиатининг тез ўзгаришига сабаб бўлади. Энди у гўр ёшлиги билан хайрлашади, мустақил қадам ташлашга, ўз ҳаётини ўзи белгилашга ўрганади. Бўлгуси фоти ўғлининг ота билан видолашуви таъсирчан саҳнада очиб берилган. Бунда ёй билан боғлиқ рамзий топилма ижросига қўл келди. Исқандар ёйларни бир-бирига бириштириб, оқ матога ўрайди ва шу орқали ота қабри бунёд бўлади. Актёр Сардор Маннонов отасидан айрилган жаҳоннинг ички кечинмаларини очишга киришар экан, қахрамони руҳиятидаги ўқинч, дард-алам галабини юқори пардаларда ижро этади.

Шубҳасиз, спектаклнинг энг таъсирчан ва асар гоёсини очишга хизмат қилувчи саҳнаси бу шох Исқандарнинг таркидунё қилган дарвеш билан учрашувидир. Даставвал Исқандар дарвеш олдида ўзини банданд тутиб, уни ҳузуридан қувиб соломқоқ бўлади. Аммо дарвеш доно фикрлари билан шох қалбига йўл топиб, вужудидаги қибр, манманлик хиссини сўндиради.

Дostonдаги энг ибратли гоёни ифода этувчи мазкур саҳнага ёш режиссёр ўзгача дид ва теран нигоҳ билан ёндошган. Мақсад қуруқ панду насихатдан иборат ҳолатни эмас, балки томошабинни мулоҳаза юритишга ундовчи драматик манзарани кўрсатишдан иборат. Бу борада режиссёр салоҳиятига актёр ижроси куч бағишлаган. Исқандар

ва дарвеш мунозарасида актёр хиссиётлар қурашининг тўғрисида қолади, икки мураккаб тақдир тийнатидаги фазилатларни бор бўйича кўрсатиб, жумбоқли саволларга жавоб ахтарди.

Дунё ҳеч кимга тиргак бўлмайди. Оламни остин-устун қилишга қодир жаҳонгирлар ҳам бир куни қазага юз тутади. Спектаклнинг сўнгги саҳналари ана шу инкор этиб бўлмас ҳақиқатни исботлашга қаратилган. Румлик фотиҳ Исқандар ҳаётга ўлим

Шодия Тўхтаева:

«КЕЧИНМАГА БОЙ РОЛЛАРНИ ЯХШИ КЎРАМАН»

дайдир ижодкорлик хисси бўлган шекилли, тақдир мени Санъат институтига етаклади. Ўқийнинг дастлабки йилларида имтиҳонларда ўйнаган ролларимни кўрган Ўзбек Миллий академик драма театри режиссёри Валижон Умаров «Аёлгу» спектаклига тақлиф қилди. Кейин шу саҳнада Авлиёқули Хўжақулиевнинг «Ез туни гаройиботлари» спектаклида Елена болани ўйнадим. Айнан шу ролларим театрга илк қадамим бўлди.

— Бугун театрд ҳам, кинода ҳам ўз ўрнига эга актрисасиз. Шу нунгача кўплаб режиссёрлар билан ишлаб келяпсиз. Улар сизнинг ички имкониятларингизни қай даражада оча олди?

— Театрда ҳам, кинода ҳам ҳар бир актёр, албатта, режиссёр билан ишлайди ва бу жараён ҳар қимда турлича кечади. Кимдир аниқ бир топширик бериб, биздан айнан шуни талаб қилади. Бошқаси актёрнинг ўзига имкон яратиши, ўз қахрамонини ўйлаб топиш ҳуқуқини бериши мумкин. Масалан, режиссёр Марат Азимовнинг «Сизсиз ўтмас кунларим» спектаклидаги ролимнинг кўп жиҳатлари импровизация маъқули. Бу режиссёрга ҳам маъқул келган. Бошқа бир қахрамоним Мавжуда «Огоҳ бўлинг, одамлар»нинг яралишида режиссёр меҳнати катта.

Тан олиш лозим, ҳозир биз актёрлар анча эрка бўлиб кетганмиз. Пьесада қандай бўлса, шундай ўйнаб беришга одатланиб қолганмиз. Режиссёрлар ҳам кўпинча ўзимиз кўрсата олган қирраларимизнигина кўришади. Кинода мени асосан салбий ролларда кўришга қўниқиб қолганлари бунга бир мисол. Демокриманки, режиссёр актёрни изланишга, ўз устида қаттиқ ишлашга мажбур қилиши зарур. Ўйлашчмкан, шундагина ҳар бир актёр ва актрисанинг янги-янги имкониятлари юзага чиқади.

— Энг кейинги образларингиздан бири «Кўёшнинг сен уйротасан» спектаклидаги Шабнам замон қахрамони тимсоли. Уни саҳнага олиб чиқишда қандай омилларга таяндимиз?

— Репетициялар пайтида ушбу рол талқини юзасидан жуда кўп баҳс-лашулар бўлиб ўтган. Режиссёримиз бош қахрамон — Шабнам турмуш ўртоғи ташлаб кетса ҳам, тушункила тушмасдан, кўнгилга тукан режаларини бир ўзи қатъият билан амалга ошираётганидан келиб чиқиб, уни кучли, иродаси мустаҳкам аёл сифатида талқин қилишимни талаб қилди. Мен эса ҳар қандай кучли аёл ҳам барибир охижа, деган фикрга асосланиб, қахрамонимнинг бошдан кечирган қийинчиликлари асносида унинг аёллик қалбини,

ички дунёси аёллигича қолаверади.

— Сиз рол ижро этган филмларнинг аксарияти давлат киностудияларига тегишли. Хусусий киноларда жуда кам суратга тушасиз...

— Кинода илк ролимни режиссёр Юсуф Розиковнинг «Эркак» филмида ижро этган-



«Тубанлик» филмидан кўриниш.

дим. Тўғрисиани айтсам, хусусий филмларга нисбатан «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида ишланган давлат филмларида сифат, албатта, юқори бўлади. Каттами-кичикми, асосан ўзига ҳоҳ кечинмага бой ролларни ижро этишнинг яхши кўраман. Бундай роллар эса давлат киностудиялари филмларида кўпроқ топилди. Масалан, «Эркак», «Чашма», «Қарздор» филмларидаги эпизодик ролларимнинг бир оғиз сўзи ё бор, ёки йўқ, аммо улар кишининг эсида қолади. Тўғри, бундай картиналар шов-шувли рекламалар билан тарғиб қилинмайди, улар билан бирдан оммага танилиш ҳам қийин. Аммо бундай филмлар аксарият санъат тарихида қолади, актёрни масъулятга ўргатади.

— Кинорежиссёр Ҳилол Насимовнинг янги, «Тубанлик» филмида бошқа ролларингиздан фарқли равишда она ролни ижро этибсиз.

— Филм сценарийсини ўқиганимдаёқ бу образ менга маъқул бўлди. Шунинг учун туфан бир кимса билан эрта турмуш қуриб, у фарзанди билан жабр чекиб қолган она ролни тақлиф қилишганида ҳеч иккиланмай рози бўлдим. Бу ишмдан ҳайратланганлар ҳам кўп бўлди. Одатда, ёш актрисалар экранда ўз ёшларидан катта ва гримсиз қиёфада кўрсатадиган бундай ролларни ўйнашга қўчишади. Лекин актёр ҳар қандай ролни ўйнай олиши керак. Эътибор қилган бўлсангиз, менга кинода кўпроқ ўзим билан тенгдош бўлмаган ролларни беришади. Режиссёрнинг она ролни удалла олишимга ишонч билдиргани бир жиҳатдан актриса сифатидаги ютуғим, деб ўйлайман. Суратга тушиш жараёнида пардозчилар мени хаста она қиёфасига киритиш учун астойдил ишладилар. Либослар ҳам шунга мувофиқ танланди. Қўлимдан келганича об-

га қизиқиши тобора ортиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Барча қатнашчилар томонидан тайёрланган дастурлар ҳакамлар эътиборига ҳавола этилди. 150 нафардан ортиқ ирочилар Street Art рақсларининг турли йўналишлари бўйича ўзаро беллашди. Ташкентдаги экология боғида барпо этилган махсус майдонда роллер, скейтер ва велосипедчилар слалом ва фристайл бўйича ўз маҳоратини намоийш этди.

Ижроси энг яхши деб топилган жамоалар гала-концертда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Юртимиз ва хорижий хореографлар иштирокида ўтказилган маҳорат сабоқлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўза

ЗАМОНАВИЙ РАҚСЛАР

«Ўзэкспомарказ»да IV Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови давом этмоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Форум юниор спорт» маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу танловда юртимиз ва хорижий мамлакатларнинг болалар бадий жамоалари қатнашмоқда.

Бу йилги Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танловига юртимиз ва хорижий мамлакатларнинг болалар бадий жамоалари қатнашмоқда.

— Халқаро танловнинг мукамал ташкилий ва бадий жиҳатлари, ранг-баранглиги,

юксак савияси бизда катта таассурот уйғотди, — дейди Россиянинг «Задумка» болалар рақс жамоаси бадий раҳбари Елена Колотовкина. — Биз халқингизнинг санъат-

Танлов

ни юксак қадрлашига гувоҳ бўлдик. Яратилган шарт-шароитлар Ўзбекистон фарзандларининг ҳар томонлама баркамол улғайишига хизмат қилмоқда.

— Барча ижодий жамоани мазкур танловга юқори даражада тайёргарлик кўрган яққол сезилиб турибди, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Гули Ҳамроева. — Қолаверса, мазкур ижодий танлов болаларнинг миллий ва замонавий рақс турлари-



Ўзбекистон давлат тарих музейи жамланмасидаги лойдан ишланган ҳайкаллари консервация қилиш бўйича семинар бўлиб ўтди. Бадий академия, Маданий мерос ва санъат

Таъдир

таъдир қилиш Япония жамғармаси, Ўзбекистондаги Япония элчихонаси ҳамда музей ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинардан мақсад ўзбекистонлик мутахассислар билан лойдан ишланган ҳайкаллари консервация қилиш технологиялари бўйича таъриба алмашишдан иборат. Мазкур технология Фаёзтепада қазилма ишлари олиб бориш жараёнида топилиб, ҳозирда Тарих музейида сақланаётган ҳайкалда қўлланмоқда.

КҮН ТАРТИБИДА МАДАНИЙ МЕРОС

Семинар машғулотлари маърузалар ва амалиётдан иборат бўлди. Маърузаларда Комадзава ва Сайба университетлари, Токиодаги маданий мерос институти ўқитувчилари Фурушо Хироаки, Аоки Сиперо, Хаякава Ясуюро қатнашди. Таъдирда консервация қилиниши керак бўлган археологик материал, қазилмаларнинг ҳужжатлаштирилиши, консервация паспортини ва унга киритиладиган зарур маълумотларни тузиш, мустаҳкамловчи ва ёпишувчи буюмларнинг хусусияти, турлари, хавфсизлиги бўйича тавсифномаси ва консервация усуллари танилаш ҳақида гап борди.

Консервация қилиш ниҳоятда мураккаб жараён бўлгани учун унинг паспорти тайёрланади. Ишинг бутун жараёни фото, видео ва бошқа тасвирий воситаларга муҳрлаб борилади.

Бу каби семинарлар, шубҳасиз, таъмирчиларимизнинг ўтмиш маданий меросини авлодларга етказишдек хайрли ишларида фойдали таъриба сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Л.ЛЕВТЕЕВА

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ

ЎЗМ УҚАЙМАН



ЭРКАЛАНАМАН

Онажоним бағрида
Эркаланиб кетаман.
Катта бола бўлганда
Эркалансам нетаман?

Дўстларимнинг олдидан
Қолмасманми уялиб?
Эркаланмаслик учун
Олсаммикин уялиниб.

Уялансаммикин дея
Жуда ҳам қотди бошим.
Дадамнинг айтишича
Эмиш кичкина ёшим.

Келин келса бу уйга
Қилар доим дарсимни.
Биласиз-ку, дадажон,
Фанлардан кўп қарзимни.

"АРСЛОНХОН МИНОРАСИ"

Ёзувчи Фулом Каримийнинг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан chop этилган "Арслонхон минораси" номли китобига замонавий ва тарихий мавзудаги асарлар жамланган. Тўпلامдаги "Баҳор соғинчи", "Йигит лафзи" сингари замонавий мавзудаги ҳикояларда замонашларимизнинг ўй-ташвишлари ҳаётий воқеалар уйғунлигида тасвирланган. Уларда муҳаббат, ижод ва илмнинг инсон тақдиридаги ўрни ва аҳамияти бадий талқинда таъсирчан ифодаланган.

"Арслонхон минораси", "Улуғ муаррих", "Кўрагон" сингари тарихий мавзудаги ҳикояларда шавкатли ва аллома аждодларимиз Мухаммад Наршахий, Арслонхон Мухаммад, Махмуд Кошғарийнинг ҳаётларида кечган, бутунги авлодлар учун ибрат бўлгулик воқеа ва ҳодисалар ёрқин акс эттирилган. Шунингдек, "Карвон" қиссаси,

Кулоғим олди ҳақин,
Эҳ бўйдоқ қолсаммикин?
Ёки дадамга айтмай
Уялиниб олсаммикин?

ТҮЙ БОЛА

Укамга чипрон бўлди,
Уста пичоқ қон бўлди.
Той хўржини тўла пул,
Ўйинчоқ бир ён бўлди.

Туй бола дер тураман,
Ҳозир велик сураман.
Дада, совға беринса,
Яна чипрон бўламан.

ТИПРАТИКОН

Тиканлари нинадек
Типратикон боласи.
Эркалатиб кучолмас
Шўрликкина онаси.

Ачом-ачом қилай деб,
У ён, бу ён ўтади.
Не қилишни билмайин
Она боши қотади.

Хафа бўлмасин дея
Ўйлади кеч-эрталаб.
Боласин кўнглини олди
Юмшогим, деб эркалаб.

ЎТҚИР ТОТЛИБОЙ

Жиззах шаҳридаги
22-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

Доимий ҳанроҳ

қахрамон саркардалар Темури Малек ва Жалолдин образлари гавдалан-тирилган олти қисм, ўн саккиз кўри-нишдан иборат "Турон қопло-ни", соҳибқирон Амир Темури-нинг шарафли ҳаётидан айрим лавҳалар ёрқин акс эттирил-ган олти қисмдан иборат "Со-ҳибқирон ва аллома" номли драматик қиссалар мазкур тўпلامга алоҳида салмоқ ба-ғишлаган, китобнинг мазмун-мундарижасини бойитган.

Тўпلامдаги "Германия та-ассуротлари" эссесиде муаллиф бу мамлакатдаги ўзбек тили, адабиёти, урф-одат ва анъаналари бўйича йи-рик мутахассислар билан учрашувлари, олмон юртидаги етакчи билим даргоҳлари фаолияти, ўзаро илмий мулоқотлар ҳақида жонли, мароқ билан фикр юритган.

"Арслонхон минораси" китобига И.Аҳмедов муҳаррирлик қилган.



«Куз». Мусаввир Ортиқали Қозоқов.

ШАМСРҲЙНИНГ ДУНЁСИ

Ўзбекистон Бадий академиясида ўзбек хотин-қизларидан етишиб чиққан биринчи мусаввир Шамсрўй Ҳасанова ижодига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Бадий академия, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда "Ўзбектеле-филм" давлат унитар

корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мусаввирнинг "Автопортрет", "Богбон қиз", "Скрипкачи қиз", "Қашқар шоираси Мутриба", "Зобунисо", "Нодирабегим" каби асарлари намойиш этилди. Ўзбек тасвирий санъатида биринчилардан бўлиб, на-турморт жанрига асос солган мусав-вирнинг "Копток гул", "Хитой чинни-си", "Мевалар" каби асарларида мил-лий анъаналар, халқимизнинг кундалик ҳаётини лавҳалар акс этган.

Тадбир доирасида Шамсрўй Ҳасанова-нинг хотирасига бағишлаб "Ўзбекте-лефилм" студиясида яратилган филм тақдими бўлиб ўтди. Филмда мусав-вирнинг ҳаёти ва ижоди баҳорги чақ-моққа қиёсланган. Дарҳақиқат, мусав-вир қисқа умри давомида ўзбек

тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшди ва жуда кўп хайрли ишларни амалга оширди. Мазкур картинани санъатшунос талабалар учун қўлланма, дейиш мумкин.

— Филмни кўриб болалгимга қайт-ларидан бири, рассом ва педагог Тўхтамурад

Содиқов. — Рассомлик корхонаси ҳамкорлигида ташкил орасида машҳур асарлардан нусха кўчириш учун санъат музейига борар-дик. Шунда Шамсрўй опа бизга шаро-ит яратиб, ғамхўрлик қилган. У ўз касбига, ватанига, халқига, дўстларига содиқ ҳақиқий ижодкор эди. Филмда кўрингани каби суврати ҳам, сийра-ти ҳам гўзал, жуда маданиятли, зиёли ижодкор эди.

Филм сценарийси адиб Нодир Нор-матов қаламига мансуб. Уни режиссёр Рафаэль Хайридинов суратга олган. Экранда мусаввирнинг ҳаёти ва ижо-ди ҳақиқат матни Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган артист Ойбарчин Баки-рова ўқиган.

Сарвара ҚОСИМОВА

Меҳмон ИСЛОМҚУЛ

"Бир қалишлик обрў"

"Davt press" нашриёти ҳажвчи адиб Меҳмон Исломқулнинг "Бир қалишлик обрў" деб номлан-ган ҳажвия ва хангомалар тўпلامини нашрдан чиқарди. Китоб "Қорабулоқ хан-гомалари", "Санъаткорлар ҳақида ханго-малар", "Бир қуни Ҳусан Шарипов..." ва бошқа қўллаб хангома, ҳикоя, миниатю-ра ва масаллардан таркиб топган. Таниқ-ли ёзувчи Носир Фозиллов тўпلامга ёзган "Эзгуликнинг кечи йўқ" сарлавҳали сўзбошисиде "Мазкур мажмуанинг ичи-да муаллифнинг синчков кузатувлари, ён-веримиздаги одамларнинг ғалати феъл-атворлари, бир-бирига эш, бир-бирига яқин, бири иккинчисининг давоми бўлган қахрамон-лар тасвирига дуч келасиз. Булар "Қорабулоқ хангомалари"даги содда, керак бўлганда ортиқча муғамбир Мамат мўйлов ва ундан "жабр кўрган"

Абдурахмон, Бегимқул чирмовук, мартабага ўч, думбул Шодикул шашақ, тарозининг палласидек

ликилдоқ, гўлгина Олмош, қитмир ҳаммаси Кенгашининг ёлгонларига лаққа тушиб, жабрланиб юрадиган Саҳмон "жим-жит", иши юришмай қолганда "декрет отузка"га кетиш билан жома-ни кўрқитмоқчи бўлган Пистагул, ўзини яхшиликка "томизги" деб билувчи, аммо уни, яъни яхшиликни ўзидан ва ўзгалар-дан қизганиб кун кечирувчи Филмиддин-лардир. Асарларга асос қилиб олинган воқеалардаги ҳаётийлик, ихчамлик,

кутилмаган латифаномга ҳундан завқ оласиз", деб ёзади.

Куйида ушбу тўпладан жой олган айрим хангомалар билан танишасиз.

Хангомалар

МУҲЛИС

Муҳлислардан танқидчиси кўп бўлган хонандани кўчада бир кекса киши тўхтатиб: — Кампиримнинг айтишича, қўшқ айтаркансиз-а?! — деди шанғиллаб. — Ҳа, қўшқ айтамиз, — деди хонанда ҳаяжонланиб. — Қанийди, қўшигингизни бир марта тинглаб маза қилсам, боримни беришга розийдим! — дебди киши хўрсиниб. — Э, барака топинг, минг-

га кириб юринг, сиз санъат-нинг қадрига етадиган ҳақиқий шинаванда экансиз. Сиздай муҳлисим борлигини билмас эканман! Раҳмат! — деди қўшқчи қўлларини кўксига қўйиб, кўзлари қувонч ёшига тўлиб.

Киши бўлса унинг гапига эътибор бермасдан давом этди: — Аммо, тинглашнинг ҳеч ило-жи йўқ-да! Мана, элик йил бўпти, кулоғим том битган, гарангман, болам! — дебди «муҳлис» алам билан.

ИШТАҲА

Олмаҳон ботқоқда ётган чўчкани дарахт тепасидан туриб чақирибди:

— Чўчкавой, ҳо чўчкавой, сендан бир нарс сўрасам майлими?

— Сўрама, барибир менда сўрайдиган нарсанинг ўзи йўқ! — деди чўчка тумшугини ботқоқдан кўтариб.

— Уэр унда... Иштаҳанг бўлса, овқатга тақлиф қилмоқчи эдим. — Ким айтиди сенга, чўчка-нинг иштаҳаси йўқ, деб?!

АЙБДОР

— Ҳозир ўзинг, менда сўрай-диган нарсанинг ўзи йўқ, дединг-ку.

— Тўғри, менда сўрайдиган ҳеч вақо йўқ, лекин иштаҳа керагидан ортиқ! Мендаги иштаҳа эса ўзимдан бошқа-ни қизиқтирмайди. Шунинг учун мен тақлиф қилишлари-ни кутмайман, хўрак борли-гини билсам, бостириб бора-ман! Хўрак борми, шундан гапир?!

ҲҲКИЗНИНГ КҲВОНЧИ

Тоғ бағрида ўтлаб юрган ҳўкизнинг шундоқ ёнидан ул-кан харсанг думалаб ўтиб кет-ди. Ҳўкиз жарга гўмбурлаб ту-ши кетаётган харсангга ти-килганича думи билан елпи-ниб деди:

— Жиндай берироқда турга-нимда эзиб кетарди, роса ома-дим бор экан!

У қувонганидан у ёқдан-бу ёққа шаталоқ отиб югураётиб, харсангнинг ортидан жарликка қулай бошлади.

— Оёқ синса синар, муҳими тошдан омон қолдим! — дебди ўзини юпатиб.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази жамоаси марказ ходими Насриддин Ботировга онаси

ҲАҚИҚ БОТИРОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

УЙҚУСИЗЛИКНИ ЕНГИШ МУМКИНИМИ?

Маълумотларга кўра, ҳар уч кишидан бири қирқ ёшдан сўнг уйқусизликдан азият чекаркан. Ҳўш, вақтида мириқиб ухлашга нима халақит беради?

— Агар одам ҳафтасига уч марта тўйиб ухлалмаса, унга "уйқусизлик"ка чалинган бемор сифатида ташхис қўйилади, — дейди сомнолог-шифокор М.Полуэктв. — Одатда, онда-сонда бўлиб турадиган уйқусизлик ўз-ўзидан ўтиб кетади. Бирок бирор руҳий зарбадан сўнг уч ой ўтган ҳам уйқу маромига тушмаса, демек, муаммони организм ўзича мустақил бартараф этол-маётган бўлади. У ҳолда шифокорга мурожаат қилиш лозим.

— Одамлар уйқусизликни дори-дармон билан енгилшга ури-нади. Айрим кекса кишилар бедорликнинг олдини олиш учун уйқуга ётиш олдидан "томчи" дорилардан фойдаланишади.

— Ухлашга ёрдам берувчи дори-дармонларнинг зарарини ҳамма билади.

Россияда 4,5

фоиз аҳоли бун-дай дориларни суистеъмол қилади. Фарбда эса аҳолининг 0,2 фоизи уйқу до-рилари қабул қилса-да, бунга катта муаммо сифатида қара-ди. Шу боис уйқу дорилардан шифокорнинг тавсияси билан фойдаланган маъқул. Уйқусизликнинг айрим турларида (масалан, сурункали уйқусизликда) улар фойда бермайди, қолаверса, бемор бу дориларга одатланиб қолиши ҳам мумкин. Кекса ки-шилар кўп истеъмол қиладиган фенобарбитал жуда кучли пре-парат бўлиб, кўпгина нохуш таъсирлари ҳам бор. Янги туғил-ган каламушларга берилганда бу дори интеллектта доир ней-рон ҳужайралари фаолияти бузилишига олиб келган.

— Уйқусизлик нимадан пайдо бўлади?

— Уйқуга кетиш учун мушаклар тўла бўшаши зарур. Уйқусизлик (унинг тўқизта тури бор), асосан, бош миёда кечаёт-ган жараёнларнинг ортиқча фаоллиги туфайли келиб чиқади. Сурункали уйқусизлик одамнинг ухлай олмаслигини ўйлаши, ўзи сезмаган ҳолда уйқу келишини кутиши сабабли ҳам пайдо бўла-ди. Бундай ҳолда баъзан энг кучли долрилар ҳам наф бермайди.

— Кекса кишиларнинг тунда яхши ухлай олмаслиги сабаби нимада?

— Улар камҳаракат. Кундузлари мудраб олиш имконига эга. Бу эса тунги уйқуга эҳтиёжни камайтиради.

— Шифокорлар уйқусизликни қандай даволашади?

— Сурункали уйқусизликда уйқуни кечлаш усули ёрдам бера-ди. Агар ухлагани тўшака ётган одамнинг уйқуси келмаса, ўрнидан туриб бирор иш билан шуғулланиши ва уйқу келган-дагина ўринга ётиш керак. Айрим ҳолларда руҳий сиқилишга қарши препаратлар тайинланади. Улар одамни хотиржам қилиб, уйқусизликни енгилшга ёрдам беради. Бирок шуни ҳам инобатга олиш лозимки, умр мобайнида асабларини издан чи-қарган кишининг уйқусизлигини тезда бартараф этиш муш-кул. Одатда, уйқуни меъёрга солиш учун уч ой вақт кетади.

— Одам ўринга ётгандан сўнг ухлай олмаса, нима қилиши керак?

— Агар бу сурункали муаммога айланмаган бўлса, унда киши жойида ётгани маъқул. Уйқу, албатта, келади: бу организм-нинг табиий эҳтиёждир. Бундай ҳолда яхши нарсалар ҳақида ўйлаш, ухлашга ўзини мажбур этмаслик керак! Агар уйқу келавермаса, хаёлан бирдан юзгача ёки юрагингиз уришини сананг — миянинг бир меъёрга ақлий фаолияти бош мияни толиқтиради ва уйқу "чақиради". Бундай ҳолатда китоб ўқиса ҳам бўлади. Иссик сут ичилганда эса унинг таркибидеги трип-тофан аминокислотаси мелатонин деб аталувчи уйқу гормо-нига айланади. Дам олдирадиган ёқимли мусиқа ҳам, агар овозини кўтармай ашитсангиз, ухлашга ёрдам беради.

✓ Уйқусизликдан, асосан, ўрта ёшдаги аёллар кўпроқ азият чекишади. Улар бу ёшдаги эркаларга нисбатан икки баро-бар кўпроқ уйқусизликка чалинадилар. Кекса ёшдагиларнинг 72 фоизи уйқусизликдан шикоят қилади.

✓ Оч ҳолда ухлашга меъда монелик қилмайди. Ҳаддан ортиқ тўйган ҳолда ухлаш эса қийин кечади. Ортиқча таом ҳам аъзо-ларини жароҳатловчи рефлюксларни кучайтиради. Натигада жигилдон қайнаб, ухлашга халақит беради.

✓ Умуртқа остеохондрози, меъда яраси, бўғим оғриқлари, ал-лергек ринит хасталиклари ҳам ухлашга халақит беради.

✓ Аксарият одамлар 7-8 соат ухлайди. Бундан камроқ ухлашга одатланган кишилар ҳам бор. Бирок улар бунинг эвазига тур-ли руҳий ва жисмоний хасталикларга дучор бўладилар.

✓ Мириқиб ухлаш учун ташқи таъсирлар халақит бермаслиги керак. Елкаси ёки бўйни оғрийдиганларга ордопелат тўшак-лар ёрдам бериши мумкин. Агар ухлалмасликка руҳий зўри-қиш сабаб бўлса, қимбатбахо кўрпа-тўшак ёрдам бермайди. Ёруғлик тўсадиган кимбат ёки шовқин ўтказмайдиган беруш яхши ухлаш имконини беради, бироқ уларнинг ноўнғай жи-ҳатлари ҳам бор. Бунда қайси бир ташқи таъсир кўпроқ ўнғайсизлигини аниқлаш лозим бўлади.

✓ Ҳаводаги карбонат кислоталари миқдори кўплиги уйқу сифатига таъсир этмайди. Бирок тоза ҳаво ҳиссийта таъсир кўрсатиб, руҳий жиҳатдан ёқимли шароит тугдиради.

✓ Америкалик олимлар ўтказган тадқиқотлар ота-оналари билан бир тўшақда ётган ёш болалар яхши ухлашини, бироқ улар воёга етгач, алоҳида ётишга ўргатганларида, туғилган кунидан бошлаб алоҳида ётган болаларга нисбатан яхши ух-лай олмасликларини кўрсатди.

✓ Америкада мактабгача ёшдаги болаларнинг кечкурун соат саккизда ухлатишиди. Дарвоқе, ташқи ёруғлик ва шовқин ка-майгандан сўнг бемалол ухлаш мумкин. Кўёш ботганидан сўнг организмни кечки уйқу режимига ҳозирлайдиган мелатонин гор-мони ҳосил бўлиши кучаяди. Кўёш ботмагандан аввал эса, мел-атонин гормони етишмаслиги боис тезда ухлаш қийин кечади.

✓ Оқшомда машқ қилувчи спортчилар яхши ухлайди. Бирок шуни унутмангки, жисмоний машқлар уйқуга ётишдан олти соат олдин тугагандагина, мириқиб ухлаш мумкин.

✓ Жигар соғлом бўлиши учун нимага эътибор бериш керак?

— Агар жигарда бирор муаммо бўлса, у бунинг оғриқ билан билдирмайди, — дейди гепатолог-шифокор Г.Вире-ненко. — Одатда, патологик жараёнлар тахлиллар ёрда-мида аниқланиб, тегишли муолажа буюрилади. Жигарин-гиз хамиша соғлом бўлиши учун унга ёрдам беришни унут-манг. Бунинг учун сабзавотларни кўп истеъмол қилиш ке-рак. Таомларингизда, айниқса, кўкатлар, табиий ўсимлик ёғлари (кунгабоқар ёғининг ўзи билан чекланманг, зигир, ошқовоқ, маккажўҳори ва бошқа шифобахш неъматлар ёғи ҳам зарур), шунингдек, ёнғоқ ва pista кўпроқ бўлишига аҳамият беринг.

"АиФ"нинг 40-, 42-сонларидан.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРКАТУВИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзил: uzas@b2c.uz
Котибият — 233-49-93

Тақдир ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош
муҳаррир
Саъдулла
ҲАКИМ

Тасвирларга келиш қўйғомлар ташқи этишмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фақат тасвирларнинг нусхасини назирадан фойдаланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компаниясига босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 41-йўл

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.58

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 4291 Буюртма Г — 1144. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр қўраётгани — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНАРАИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН

ISSN 2181-614X

